



ВГУСТ 8 1988

ЕНОРМ-НОСО



ЁШ КУЧ





# САЛОМ ОЛИМПИАДА

**О**лимпия ўйинлари!.. Спорт мусобақалари орасида энг олий анжуман у. Яна санокли кунлардан сўнг Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида навбатдаги — XXIV олимпия ўйинларининг байроғи хилпирайди, стадиону спорт залларида ер шарининг энг кучли спортчилари олтин медаль ва олимпия чемпиони унвонини қўлга киритиш учун майдонга тушадилар.

Биласиз, олимпия ўйинларининг тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Манбалардан маълумки, олимпия беллашувлари ўтадиган пайтда ҳар қандай жангу жадалларга барҳам берилар экан. Ҳозирги олимпия ҳаракати ҳам тинчлик учун хизмат қилмоқда. Унинг шиори: «Спорт, бу — тинчлик!»

Беш қитъадан келган спортчилар тани, дини, дунёқарашлари ҳар хил бўлишига қарамай махсус қурилган олимпия қишлоғида бир оила фарзандларидек яшашади, бир-бирлари билан дўстлашади. Халқлар ўртасида дўстликни мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшишади.

Мамлакатимиз, шу жумладан республика-

миз спортчилари ҳам олимпия ўйинларида фаол иштирок этиб келишмоқда. XXII ёзги олимпия ўйинлари бундан саккиз йил муқаддам Ватанимиз пойтахти — Москвада ўтганлиги кўпчиликнинг ёдида.

Республикамизнинг кучли спортчилари: Рустам Казаков, Лариса Павлова, Эльвира Саъдий, Эркин Шагаевлар турли вақтларда олимпия чемпиони деган фахрли унвонларни қўлга киритишган. Руфат Рисқиев, Мамажон Исмоилов, Собир Рўзиев, Рустам Ямбулатов каби ўнлаб спортчиларимиз ҳам олимпия беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишган. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Олимпияда йилида ҳамюртларимиздан велосипедчи Жамолiddин Абдужабборов, гимнастикачи Марина Николаева, курашчилардан Арсен Фадзаев, ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцев каби ўнлаб спортчиларимиз Европа, Жаҳон биринчиликларида, турли халқаро турнирларда ғолиб чиқишиб, олимпиадачи бўлишга муносиб эканликларини амалда исботладилар. Улар республикамиз олимпиадачилар сифини тўлдиришади, деб умид қиламиз.

Ассалом, Олимпиада!









# САДОСИ

Аммо, Ҳ. Худойбердиевнинг поэтик образлари дунёси Ўзбекистон мавзуси билангина чекланмайди. Ҳақиқий шоир сифатида у миллий тароналарни катта, кенг қамровли умумлашмалар билан боғлайди. Миллий поэтик идрок замиридан оқиб келаётган туйғу бутун дунёда руй бераётган воқеаларга уйғунлашиб кетади:

...Ким у бизни қушдай безуноҳ деган,  
Гуноҳ бизнинг бошдан оёққача то.  
Ерда инсон кўзга ёш олар экан,  
Бу ҳали гуноҳдир, бу ҳали хато.

То ерда яшаркан юраги куюк,  
Ҳали оқланганмас, Инсоннинг йўли.  
Ҳали елкамиздан босади бу юк,  
Ҳали қуёш бизга бермайди қўлин.

То ерда яшаркан биз билан ўртоқ,  
Гоҳ-гоҳ бош кўтариб макруҳ қабоҳат,  
Уқдан сачраган қон, юзимизда доғ  
Нон тиланган — етим бизнинг жароҳат...

Қамоқ жазосидан минг бу миллион,  
Озодлик нуруни кутаркан толиб,  
Улар кўксимиздан кўтарар исён —  
Тандан ором, кўздан уйқуни олиб.

Онанинг сочига барвақт қўнса оқ,  
Боланинг кўнглига бевақт чўкса тош —  
Бу бизнинг ўзимиз сезмаган гуноҳ,  
Бу айб бизникидир, мўтлақ, замондош.

Мен ювмоқ истайман ўз гуноҳимни,  
Биз ювामиз барча гуноҳларни оқ,  
Бир кун гул қоплайдир дунё боғини,  
Бир кун хазонларни унутади боғ.

Ерда Инсон кўзга олар экан Еш,  
Ҳали биз ювмаган айб бу, Замондош!

Илк шеърлари эълон қилинган дамлардан то ҳозирги кунларгача уни куррамиз тақдири ҳаяжонга, ташвишга солади. У одамлар олдиди, мозий хотираси ва оталар васияти олдиди ўз маъсулятини ҳис этади. Бу шеърлар авторнинг урушга, ядро хавфига, цивилизациянинг турли беморликларига муносабатини ифодалайди.

Уларда ҳарбий мавзунинг махсус белгилари кўринмайди, бироқ, бу шеърларда уруш алаңасидаги инсон орзуси қул бўлиши ҳис этилади. Ҳ. Худойбердиева шеърларида жонли туйғу эркин ва табиий ифодаланади. Поэтик шакл кўзга ташланмасида, мазмунни чуқур ечишга хизмат қилади:

...Кўкламда қор босди ерни устма-уст,  
Бинафша қор аро кўрсатди дийдор.  
Мана шу «ғалаба» деган иссиқ сўз,  
Демак, босолмади ғалабани қор.

Бошимга ёғилди санги маломат,  
Чапламоқ бўлдилар доғ устига доғ.  
Қабиҳлар ўқидан қолдим саломат,  
Демак, ғалаба ҳам қолди соппа-соғ.

Мен сенинг ўтингда исинганимда,  
Ишқ енгар, Ғалаба. Кўзим тинади.  
Ишқ, менинг жон-жонимга синганимда,  
Қонимда кип-қизил гуллар унади.

Кечаман, орому-нақддан кечаман,  
Илоҳий бир қудрат — берар менга куч.  
Бир шеър деб тун бўйи оғу ичаман,  
Тонгда келмоқ учун ғалабага дуч.

Ғалаба!  
Самовий янгроқни қара,  
Уни деб жангларда қанча дўст қолди.  
Игирма миллион кетди йўқликка қараб,  
Урнида ҒАЛАБА деган сўз қолди.

Бевалар гару-талх ҳижронин ичгач,  
Жигаридан силқиб қасосу-хунлар  
Эрлари фашистнинг ўқига учгач,  
ҒАЛАБАни қучиб қолди-ку тунлар.

Қай йиллардан келар бу жонбахш нидо,  
Бул — шароб!  
Бир тўйиб ичмоқлик учун.  
Менам жоним нисор, кетяпман фидо —  
Уни бир бор тўйиб қучмоқлик учун!

Ғалаба!  
Бул қадар чиройли сиймо!  
Унинг тағрифига борми лойиқ сўз?  
ҒАЛАБА келтирсин Сенга ҳар бир тонг,  
Ҳар бир тонг бир қадар юксал, азиз дўст.



Шоира ҳамма вақт ва турли ҳолларда иқтидорли табиатига зид келадиган нарсаларга берилмай ўз йўлидан боради. Унинг кўпгина шеърлари муҳаббат мавзусига бағишланган. Бу шундай мавзуки, у ҳақда мен сўзламайман. Бу шунчалик шахсий туйғуки, уни сокин таҳлил этиш, четдан бефарқ нигоҳ билан кузатиш гуноҳ. Севги ҳақида фақат шеър билан сўзлаш жоиз:

Айтинг қизлар, очиласиз гул бўлиб қачон,  
Нима сизни талпинтирар азалдан азал?  
— Биров эшитмасин, билсанг, бизда қолмас жон  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон сезилмас ҳаётнинг бутлиги, ками  
Қўлингизда ечилади осон ҳар чигал?  
— Нима бўпти, бу серғаёго дунёнинг ғами,  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қизғиш тортиб, ҳуснингизга қўшилиб чирой,  
Шаддотликдан тийиласиз қайси пайтда сал?  
— Майинлашиб биз безуноҳ ой бўламиз, ой —  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон қуриган жилғадай қоласиз тиниб,  
Қора кунда ёруғликка бўласиз махтал?  
— Йигит бизни ардоқлашни унутган кунни,  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт сўнган маҳал.

— Қачон хозонрез боғларга келасиз кириб,  
Кўтаролмай чўқасиз қайғу тошини?  
— Биз йигитни тополмасак тўрт ён югуриб,  
Биз ёстиқда кўрсак унинг азиз бошини.

— Қачон қоп-қора кийимда ўлтирасиз ток,  
Чидаб бўлмас сиз кўтарган нола-ю додга?  
— Йигитнинг шўх кўзларига тўлганда тўпроқ,  
Биз йигитни йўқотганда абад-абадга.

Ўзбек поэзиясида Ҳ. Худойбердиева ижоди алоҳида — унинг ўзигагина тегишли ўрин тутади. Унинг шеърларида журъат бору баландпарвозлик йўқ. Дунёмиздаги энг муҳим ва ташвишли нарсалар ҳақида чуқур ўйлар мавжуду, бироқ риторика ва кечаги рузнома мақолаларининг қофиялантирилган кўриниши йўқ. У бизни ўраб турган дунёнинг куриш ва тинглаш мумкин бўлган барча нарсаларини назмга сола олади. Бу шаклий ўзгариш уларни бизга бегоналаштирмайди. Уларни таниш билан бирга биз бу нарсаларнинг янги қиррасини, аниқроғи илгари кўзимизга алоҳида-алоҳидадек туёлган жиҳатларидаги боғланишни кашф этамиз. Унинг шеърларида дунё ҳам алоҳида, ҳам яхлит ва бир бутундир. Асосийси, қалб тафти билан иситилган ва улугвордир.

Бу шеърлар муаллифнинг, яъни ўзбек халқининг иқтидорли қизи Ҳалима Худойбердиевнинг эндиликда мамлакатимиздаги минглаб шеърхонларга тақдим этилаётган туйғулар, изтироблар, ҳаяжон ва ташвишлари биографиясидир.

Феликс БАХЧИЯН

Ёш куч 5







70  
ВЛКСМ

ХАКИКАТ

ОЖС

ҚОЛГАНДА...



Оловли 20-йиллардан хотирот.

«Тарихимизнинг нохуш масалаларини тилга олмаслик — ҳақиқатни назар-писанд қилмаслик, бедодлик ва ўзбошимчалиkning бегуноҳ қурбони бўлган кишилар хотирасига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш демакдир. Ҳақиқат битта. Батамом равшанлик, аниқлик ва изчилик, келажак сари маънавий мўлжал керак».

(«Правда» газетасидан)

**И**нқилобнинг дастлабки йилларида «фаол» деб аталмиш комсомолларнинг жўшқин фаолиятини ҳикоя қилиш мароқли бўлса ҳам, мен шу жасорат йўлларини босиб ўтган қаҳрамоннинг деярли ожиз кўзларига тикилиб, изтироб чекапман.

...Мадал батрак — Маҳамадали Аминов ҳозир 90 ёшдан ошибди. Хаёлимни отанинг ёшининг тўқсондан ошганига ишонтирмайдиган тетик овози бўлди.

— Нимани гапириб берай сизга, ўғлим?  
— Хотиранингизда ниманки сақлашиб қолган бўлса... фарзандларингизга айтмоқчи бўлган ниятларингизни... дардингиз, аламингизни бўлса ҳам майли. Бугун «гаплашадиган вақтлар» келди.  
— Шундай денг, — ота қўллари билан дастурхон четларини сийпалаб, хаёлга толди. — Ҳа... тўғри айтасиз, бемалол гаплашадиган кунларнинг келгани ҳўп яхши бўлди. Шундаям, мана бу набиранинг қўлидаги папкани олиб кўринг, кейин бирон нарса сўрасангиз, гапни гап етаклаб ўзи юзага олиб чиқар.

Маҳамадали Аминов — жанговар комсомол, большевик, Владимир Ильич Ленинни кўриш шарафига муяссар бўлган, Михаил Фрунзе билан сафдош, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан учрашган инсон.

Папкадаги саргайиб кетган қоғозларни титкилаб ниманидир қидираман. Ўйларим, эшитганларимга далил бўлгучи ҳужжатларни тополмай қийналаман. Ва қийноқларимга таскин бермоқ учун баъзи расмий ҳужжатларни такрор-такрор ўқийман. Мана шулардан айримлари.

**Гувоҳлик:**  
Аминов Маҳамадали 1919—20 йилларда босмачиларга қарши курашда актив иштирок этган. 1919 йилдан КПСС аъзоси, Тошхўжаев Саид.

**Архив:**  
Аминов Маҳамадали Туркистон Коммунистик ёшлар союзи қарори билан 1921 йил октябрда Хивага, босмачи Жўнаидхонга қарши кураш олиб бораётган отрядга жўнатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Ўзбекистон Компартияси тарихи институти директорининг ўринбосари:

Ҳ. Шуқурова  
(1961 йил, 7 апрелда берилган)

**Архив:**  
Аминов Маҳамадали 1920 йилда Тошкент мусулмон пиёда аскарлари курсида ўқиган ва ишлаган.

СССР Ички ишлар министрлиги Бош бошқармаси ҳамда СССР Қизил армияси (Совет армияси) Марказий Давлат архиви бўлим бошлигининг ўринбосари:

Смирницкий.  
Архив ходими:  
Давидович.  
(1958 йили 23 сентябрда берилган)

Ўртоқ Маҳамадали Аминов!  
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ирригация қурилишида актив қатнашганингиз ва шу билан меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатганингизни нишонлаб, Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси тузилганига 15 йил тўлиши муносабати билан Сизни Фахрий Ерлик билан мукофотлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми раиси:  
И. Охунбобоев.

Ўртоқ Маҳамадали Аминов!  
1943 йили «Ватан учун» номидаги Тошкент шимолий канали қурилишидаги фидокорона меҳнатингиз учун Сизни фахрий Ерлик билан мукофотлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси:  
И. Охунбобоев.

Расмий ҳужжатларнинг деярли ҳаммаси 1950—60-йиллардан кейин архив материаллари асосида тикланган, асли эса...

— Комсомол, партия билетлари, эсдалик расмларидан сақлашиб қолмаган экан-да ота?

— Шунинг ҳам топиб-тутиб қўйганимни айтинг. Ушанда анча ҳафсалам, куч-қувватим бор экан-да, — Маҳамадали ота ниманидир айтгани келмаётган одамдай жим бўлиб қолди.

— 20-йиллардаги эсдалик қоғозлар, расмлар...

— Ҳаммасини ёқиб ташлашган. 1933 йилда, кўз олдимда ёндиришган ҳужжатларимни, ўғлим.

— Партия сафига қачон қабул қилингансиз, кимлар тавсиянома берганди?..

— 1920 йили эди. Мусулмон пиёда аскарлари мактабининг бошлиғи Шохаров, ҳарбий комиссари Тошхўжаев...

— Ҳужжатлар ичида партия билетингиз ҳам бор эдимиз?

Назаримда Маҳамадали отанинг лаблари пир-пираб, бир зум тили калимага келмай қолган одамдай тўхтаб қолди. «Ёндиришган эди» деб айтишга нимадир халақит бераётгандай бесаражом бўлди.

— Гумроҳлик бўлган, ўғлим!

— Бундан чиқди репрессия, «халқ душмани» деб қамашлар 37-йилдан анча илгари бошланган эканда?

— Шундай бўлган, «халқ душмани» деб йўқотишлар 37-йилда оммавий тус олган.

— Нима гуноҳ қўйишган сизга, ҳукмлари оғир бўлганми?

— «Халқ душмани, Совет давлатининг иқтисодий сиёсатига қарши, уни зимдан қўпормоқчи бўлган усур». Энди эсласам кўрқинчли тушга ўхшайди ўша йиллар — отишга ҳукм этилгандим-а...

— Ўша кунлар ва у ҳақда шу бугун кўнглингиздан кечаётган ўйларингизни батафсилроқ гапириб берсангиз яхши бўларди-да, ота...

— Совет ҳокимиятининг душманлари фаолларни, комсомол, умуман фидойи кишиларни йўқ қилишнинг хилма-хил йўлларини яхши билишарди. Шўро маҳкамаларида ҳам айрим ёт усурлар масъулиятли лавозимларни эгаллаб олишган эди. Мадал батракка ўхшаган одамларни йўқотишнинг энг яхши йўли, совет ҳокимиятининг душманига айлантириб, унинг ўчириш эди.

— Ахир бирон гуноҳ қўйилгандир зиммангизга?

— Халқ душманидан ошиб тушадигани бўлмаган.

— Қўйилган гуноҳларни тан олгансизми, қийнашган, бардошингиз етмаган пайтлар ҳам бўлганми?

— ... Маҳамадали ота ўйланиб яна дастурхон чеккаларини сийпалади. — Ҳа, тан олганларим ҳам бўлган. Қийноқдан, қийноқдан бўлган ҳаммаси, — ота элик йилдан зиёд муддат ўтса-да, ҳамон асорати йўқолмаган, тирноқлари атрофдаги санчикдан чандиқ бўлиб қотиб қолган бармоқларини қалтиратиб биз томон узатди. — Булардан қутулиш, азобдан қақпаган жонга ором бериш учун ҳаммасини бўйинга олиш керак эди.

1927—28-йиллари эди шекилли, Тошкентда совун заводида директор бўлиб ишлаганман. Ушанда «совун чиқиндиларини сотган» деб айб қўйишган экан, «бўйинимга олганман».

— Батрак бўлганингиз ҳолда, совет ҳокимияти учун фидойилик билан хизмат қилганингизга қарамай, охир-оқибат сизни қамашган, қийнаганлар. Айтингчи, ўша кезлар кўнглингизда Совет давлатига, унинг раҳбари Сталинга нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлганми?

— Йўқ.  
— Нега?

— Буни Сталин эмас, онасининг кўкрагига оёқ босган ярамас одамлар қиляпти, деб тушунганман, мабодо Сталин бу бедодликни билиб қолса, ҳаммаларига қаттиқ жазо беради, деб ўйлаганмиз.

— Ваҳоланки шундай бўлмаган экан, ота. Бу бедодлик, ўзбошимчаликлар устида сизлар ишонган одамнинг ўзи турган экан аслида.

— Биз буни 37-йили қамалганларнинг ҳаёт қолганлари қайтиб келганларида бир қадар англаганмиз. Аммо оғзимиз бир бор куйган эди, қаттиқни ҳам «пуф»лаб ичадиган аҳволга тушиб қолган эдик. Нега шундай бўлган? Айбимиз, ёзуғимиз не эди, деб... айтолмаганмиз.

... 27-йиллик ёшлар жуда-жуда истамоқда. Журналда эса бундай муаммолар қолиб «Тўқини ўрганамиз» (бачкана менимча), мисол ва масалалар ечиш каби кам кишилар шугулланган нарсалар-у, эстрада ансамбллари ҳақида маълумот беришлар авж олмоқда. Тўғриси, журналдаги бу саҳифалар биз ёшларнинг меъдамызга теғди.

Ҳурматли редакция! Юқоридаги сўзлар билан мен журналдаги умулан эмон демоқчи, ёки «тафтиш» қилмоқчи эмасман. Истагим — журнал савияси баланд, тематикага бой бўлсин. Қишлоқ ҳаёти, дунёвий масала бўлиб турган табиат муҳофазаси, ёшлар тарбияси, ёш санъаткорлар ҳақида материаллар, ёшларнинг қаламига мансуб ҳикоя, шеър ва бошқа ижод намуналари бериб борилса, биз журнални тагин ҳам севиб мутолаа қилган бўлардик...

Исроил ШОМИРОВ,  
Бойсун райони, Пулҳоким кишлоғи.



## Ленинни тинглаганмиз

...Ушанда, 1920 йил эди, чамамда. Мен Тошкентдаги мусулмон пиёда аскарлари курсида ўқирдим. Биз уч курсант Москвага, адашмасам ҳарбий ўқувчиларнинг конференциясига, делегат бўлиб бордик.

— Ҳамроҳларингизнинг фамилияси ёки исми эдингизда қолганми?..

— Галиуллин эди биттаси, унисиники эсимда йўқ, ахир орадан салкам 70 йил ўтди-ю... Дарвоқе, ўша йиллар Москвага йўли тушган кимса борки ҳаёлида Ленинни кўраман деган қатъий ишонч бўларди. Бизлар ҳам ўша ишонч, ўша интиқлик билан Москвага кириб борганмиз.

Ҳозир ўйласам доҳийни кўрганмиз, овозини эшитганимиз тушга ўхшайди. Содда, оддийгина, овозлари жарангдор. Ширали...

— Русчани яхши билармидингиз? Лениннинг нималар ҳақида гапиргани эсингизда қолганми?

— Мактабимизда лекциялар асосан рус тилида ўтиларди. Шунинг учун русчани тушунар, гаплаша олардим. Нималар ҳақида гапирганини яхши эслайман. У Совет ҳокимиятини мустақамлаш ҳақида, жамиятимизнинг келажаги тўғрисида гапирган эди. Ҳа айтмоқчи, Масков хотираларидан яна бири... буниси жуда ажойиб бўлган. Балким биз қилган ишлар ҳозирги ёшларга галатиноқ туюлар. Биз уч курсант Москвага бораётганимизда доҳийга бирон совға олишни ўйлагандик. Ниҳоят келишиб, кичкина яшикчада нок олиб кетдик. Ҳар бири ярим килоча келадиган бу нокнинг нави ҳозир йўқолиб кетган. У узоқ сақланарди, ўзиям эҳсангиз йигирма, йигирма беш йилдан кейингина ҳосилга кирарди-да.

Москвага боргач, энг аввало доҳийга совғамизни топширишга шошилдик. Биздан уни қабул қилиб олган одам, совғаларингизни албатта Владимир Ильичга топширамиз, деб айтди. Шундай бўлсада, Ленин уни олдимикин? Урта Осиёнинг бу мўъжиза неъматидан тотиб кўрдимикин, деган ўй сира ҳаёлимиздан нари кетмади. Сўнг яна бир бор пайтини топиб Кремлга бордик, сўрадик.

Чиндан ҳам доҳий совғамизни кўрибди. Аммо уни ўзбекистонлик курсантлар номидан деб, Москвадаги боғчаларнинг бирига юборибди. Ўша боғчани ҳам қидириб, топиб бордик, шу ерда кўрдик нокни авайлаб олиб келган яшикчамизни.

Мана совет ҳокимияти барпо этилганига ҳам 70 йилдан ошибди. Шу йиллар давомида даврнинг хилма-хил паст-баландларини кўрдик. Яхши кунларимиз ҳам бўлди. Не-не ноҳақлик, адолатсизликларга юзма-юз келдик.

— Тошкентда Лениннинг содиқ сафдоши Михаил Фрунзе фаолиятининг гувоҳи бўлган экансиз, қўмондон билан учрашган дамларингиз ҳам бўлгандир?..

— Бизнинг мусулмон пиёда аскарлари мактабимиз бевосита Фрунзе ташаббуси билан ташкил этилган. Кейинчалик хўжалик ишларига ўтганимга қадар шу ҳарбий мактабда ишлаганман. Бир неча бор қўмондонга мурожаат қилишга тўғри келган. Михаил Фрунзе салобатли, доворак киши эди. Урта Осиёда Совет ҳокимиятини мустақамлашда Фрунзедай жонфидалик билан хизмат қилган одам кам бўлган...


## Суронли йиллар

— Маҳамадали ота, комсомоллик даврингиз совет ҳокимиятини мустақамлашнинг айна суронли йилларига тўғри келган экан. Ўқувчиларимизга шулар ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Қайси бирини, нималарни гапирай. Чиндан ҳам суронли йиллар эди. Бизлар эса комсомол топшириғига иккиланиб ўтирмасдик. Фақат ҳаёлимизда топширилган вазифани сўзсиз бажариш керак, деган ўй турарди. Комсомол босмачиларга қарши курашга отлан дедими, елкамизда қурол бўларди. Ер очишга, артел тузишга юбордими, қўлимизда кетмон эди. Ҳар қандай меҳнатга, энг қийин қурилишларга ҳам ўз ихтиёримиз билан отилиб чиқардик. Даврнинг ўзи ҳам шунини талаб қилса керак-да, тиним билмасдик, бедорлик ўша йиллардаги комсомолнинг шиори, ҳамроҳи эди.

Ҳарбий мактабдан сўнг 1927 йилларда Тошкентдаги совун заводидан комсомол топшириғига биноан директор бўлиб ишладим. Балки завод дейётганим ҳозирги заводларнинг битта цехига тўғри келмас, аммо шундай аталарди.

1929-йилга келиб артеллар тузила бошланди. Мен ҳам бу ишга биринчилар қатори бел боғлаб чиқдим. Ўзи асли батрак, бойлар ерида ишлаб суягим қотгани учунми, деҳқончилик бора-бора асосий ишимга айланиб қолди. Тошкент яқинида «Бирлик» артели тузиб, кейин уни Киров номи колхозга айлантирдик, унга раис бўлдим. Асосан сабзавот етиштирардик, унча катта бўл-



90 ёшли табаррук отахон чеваралари даврасида.

А. КУДРЯШОВ фотолари

маган боғдорчилик хўжалигимиз ҳам бор эди. Э-ҳе... Шундай ҳосил кўтарганмизки, нимасини айтасиз, ўша рақамлар ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Ҳозир уларни айтсам унча-мунча деҳқоннинг капалаги учиб кетар. Ҳар гектар ердан 40 тоннадан картошка, 90 тоннадан лавлаг, 50 тоннадан қовун-тарвуз, 70 тоннадан памилдори олардик.

— Ҳозир 10 тоннадан картошка олишяпти адашмасам.

— Ҳа, шунини ҳам зўрға-зўрға, анови ўғитларнинг кучи билан олишяпти. Ерни «алкаш» қилиб қўйдик ўғлим. Ахир сигирнинг ҳам бошини силасангиз яхши сут беради. Ер ерга ўхшамай қолса, кейин нима қиламиз. Ҳосил олиб деҳқоннинг кўнгли яйрамаса, уни истеъмол қилган одам, «кўлинг дард кўрмасин деҳқон» деб айтмаса ахир...

Яхши эслайман, ёдимдан сира чиқмайди. Деҳқончиликда юқори ҳосил кўтарганимизни эшитиб, колхозимизга Акмал Икромов келган. У деҳқон билан тиллаша оларди, дардини тушунар,

кўнглидагини билишга интиларди. Бизни чин дилдан табриклаб, партиянинг эл фаровонлигини оширишдан улугроқ мақсади йўқ, бу фаровонликни сизлар бажарасизлар, деб айтган эди.

— Маҳамадали ота, архив материаллари шохид — сиз 1921 йили комсомол йўлланмаси билан Хивага, Жўнаидхонга қарши курашаётган отрядга юборилган экансиз.

— Ўша оғир йилларда, оддий бир комсомол, ҳарбий таълимдан озми-кўп маълумотга эга бўлган большевик, ватанпарвар, гражданин совет ҳокимиятини мустақамлаш учун курашда фидойилик билан жанг қилиши ниҳоятда зарур эди.

Бу йилларда хотирамда қолган икки улуг сиймони — Миркомил Миршаропов билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни яхши эслайман.

Миркомил Миршаропов халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли ҳарбий саркарда, бевосита Михаил Фрунзе таълимини олган доворак командир эди. Унинг Хоразм, умуман республикамизда совет ҳокимиятини мустақамлаш,

босмачиларга қарши курашдаги мардонавор ҳаракатларини нечоғлиқ юксак қадрласак арзийди.

Миркомил Миршароповнинг ҳаёти ҳамиша ҳавф остида эди. Унинг душманлари кўп эди. Э, афсуски, у ўз жонини фидо қилган мамлакатга душман саналиб йўқ қилинди.

— Булар ҳақиқат қилинган.

— Билмадим, ҳақиқат қилингани рост бўлсада, улар кўнглида армон билан кетишди.

— Шу ҳақда кўнглингизда қолган суюкли хотиралар...

— Ҳарбий кишиларга хос бўлган бир сўзлилик, ўктамлик, бутун бўй-бастидан сезилиб турадиган жасорат, фидойилик Миршароповнинг номини шарафлаган, эл орасида машҳур қилган эди.

Суюкли хотира дедингиз... Узимни ҳайратда қолдирган бир тасодифий учрашувни айтиб берай.

Биз командир Миршаропов етакчилигида Қўнғирот томондан тушиб, Хўжайлига қараб бораётган эдик. Узоқдан кимсасиз йўлда кўзимизга бир одам чалинди. Яқин борсак, оёқлари боғланган болани опичлаб, яна бир қўлида қизалоқни етаклаб, биз томон келаётган одамни кўрдик. У киши озгин, новчадан келган, кўзалари тетик, аммо чарчаган, толиққани шундай сезилиб турарди. Омонлашгач билдикки, бу одам шоир Ҳамза Ҳакимзода экан. Ҳамза ўша 1922-йили Хўжайлида мактаб очиб, болаларни ўқитибди. Етаклаб келаётгани — етим кизалоқ шоирнинг ўқувчиси экан. У «акам бойнинг қўлида қолган» деб Ҳамза Ниёзийни ҳеч ҳоли-жонига қўймапти. Ниҳоят шоир қизни етаклаб, хўжайиннинг ёнига боришса, акаси оёқларига қайноқ сув қуйилиб, инқиллаб ётган экан. Ҳамза боланинг оёқларини боғлабди. Опичлаб энди мактаб томон олиб кетаётган экан ўшанда. (Маърифатпарвар Ҳамзани бундан ортиқ таърифлаб бўлмаса керак. Е. Я.) Ҳануз, қачонки бу воқеа эсимга тушса, ҳайрон бўламан. Нима учун шундай қилган, нега шунчалик фидойи бўлган экан болаларга дейман.

Ҳамза Ҳакимзода Хўжайлига яқинлашганда Миркомил Миршароповдан болаларга озиқ-овқатдан ёрдам қилишини сўради. Командир манзилга етгач, 500 килоча арпа берди. Толиққан, йўлга ярамай қолган отларидан баъзиларини

гўштга олди. Жуда оғир, оғир йиллар эди, бу йилларнинг азобларини Миршаропов, Ҳамза Ниёзийга ўхшаган фидойиларнинг жасорати билангина енгиш мумкин эди, холос. Эҳ-ҳе...

— Маҳамадали ота, бугун «ошкоралик», «демократия» деган шиорлар кўп воқеаларнинг асл моҳиятини рўй-рост айтишни, элдан, халқдан ҳеч нарса яширмасликни, камчиликлар, хатоликларимизга нисбатан ҳам шафқатсиз бўлишни, унинг орқасида бекилиб ётган «қандай бўларкин?» деган андишани нари суриб ташлашни тақозо этапти. Мана энди сиз ўзингиз, биз бугун эшитаётган газета-журналлардан ўқиётган ҳайратомуз, даҳшатли воқеаларнинг тингловчиси сизгина эмас, унинг ўқубатларига, таъқибларига учраган гувоҳ ҳамсиз. Нималар дейсиз бу ҳақда. Юрагингизнинг қат-қатида чўкиб қолган армонингиздан икки оғиз айтинг. Ўзингиз айтгандай нега шунчалик гумроҳлик бўлган экан ўша йиллар? Нега азобни расмона душманлар эмас, жонини эл-юрт истиқболи йўлига тиккан одамлар — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Миркомил Миршаропов, Абдулла Қодирий ва яна шунга ўхшаган минглаб ҳалол қишилар тортган экан, унинг қурбони бўлган экан?

— Бугун ҳукуматимиз ҳамма нарсанинг ростини айтиб, ўтмиш тарихини янада ойдинлаштирмоқни ният этибдики, бунинг охири кўп яхшиликларга олиб келади. Кимки «яна ўтиб кетган гапларни титқилашпти» деса адашади. Мана ўзингиз айтасизки, бу гумроҳликларни қилган одамлар билмай қилган эмас. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий каби халқимизнинг асл фарзандлари ўзларининг ноҳақ қатл этилаётганини айтишдан чўчишмаган. Қачонлардир ҳақиқатнинг юзага чиқишига, номларини эл яна ҳурматлаб тилга олишига ишонинган. Биз ўша ишончни чала қолдирсак гуноҳ бўлади.

Ўзингиз ўйланг, «маҳаллада ҳамма болалар велосипед миниб улгурмаган бўлса, нега мен ўғлимга шайтонарава олиб беришим керак экан», деб, фарзандига шунга ҳам раво кўрмаган Акмал Икромов, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида отасининг беҳисоб бойликларидан совуққонлик билан воз кечган, Лениннинг тавсия-

си билан партияга ўтган Файзулла Хўжаев, партиа аъзоси бўлмасада ўзини Маркс ва Лениннинг ҳароратли шоғирдидан, деб айтган Абдулла Қодирий ва яна халқ:

*Қиличини ўйнатиб,*

*Комил ўғлон келодир.*

деб қўшиқ тўқиган, «Совет ҳокимияти учун олға!» дея комсомолларни жангга етаклаган, ўзини душман ўқиға қалқон қилган Миркомил Миршароповни «ноҳақ қамалган эди» деб айтибгина қўйсак, шунинг ўзи етарли бўладими? Уларнинг хотираси, келгуси авлодлар олдида хижолат бўлиб қолмаслик учун барча ҳақиқатни рўй-рост айтиш керак энди.

«Ўзингизнинг ҳам дардингиз» дедингиз. Ҳозир, айниқса шу бугунлар узоқ ўйлайман. «Халқ душмани» деб атаб, бўйнимга қўйган гуноҳларни ҳеч ақлимга сиғдириолмайман.

1933-йили «халқ душмани» деб қамашганларидан бўйнимга олган гуноҳимни айтмай. «Совун заводидан чиққан чиқиндиларни сотиб юборганмишман».


Нечанчи йил эди... 1924 ёки 25-йилмида, Бухородан 750 килоча қимматбаҳо тошлар, олтин ва тилла буюмлар олиб келганмиз. Шунинг тепасида ҳам ўзим тургандим. Аслида ҳукумат мулкига қўл чўзиш керак, деган ният туғилганида, бирон ёмон кунимга яраб қолар, деб ўшалардан озгина ўмариб қолишга юз фоиз имконим бор эди-ку. Лекин бундай ёмон ният ҳаёлимга ҳам келмаган. Шунга солиштирсангиз «совун чиқиндиларини пуллаган» деган айб совун кўпигидай пуч бўлиб чиқмайдими?

Менинг ўйлашимча ҳақиқат нечоғлиқ тўла-тўкис бўлса, у борица рўёбга чиқса, халқнинг давлатга, партияга бўлган ишончи ортади.

— Адашмадикми хотираларда ота?

— Адашган бўлсак, адашгандирмиз, лекни ёлгон гапирмадик.

— Ҳа, ёлгон гапирмадик. Лекин салкам бир асрлик умр йўлларига қараб, эслаб ҳикоя қилиш аяча қийин. Чунки бу умрнинг босиб ўтган йўллари бениҳоя узоқ, манзиллари, бекатлари кўп, хотиралар эса чарчаган, толиққан, фақат виждон бедор ва пок. Поклик ҳеч қачон завола кўрмагай.



«Тиш докторига қанча кеч учрашсангиз, ўзингизга ҳам, бизга ҳам шунча кўп азоб берасиз», — дейди олий категорияли врач Неъматжон Содиқов.

Ҳабибулло ЖУРАЕВ

## Келинчак

Сен — қайнога сочидаги оқ,  
Сен — қайнона юзидаги нур.  
Сен кувенинг қалбида узоқ  
Яшагувчи муҳаббат, сурур.  
Орзулар кўп, умидлар эгиз —  
Ким уларсиз яшаб ўтолган.  
Супургидан тортиб энг азиз  
Буюмгача сенга аталган.  
Лекин ўзинг энг бебаҳо ганж,  
Сен ўзингсан ноёб дурдона.  
Чунки сенинг қадаминг етгач  
Тилло бўлди ғариб остона!



Абдурашид ҚОСИМОВ

## Хайрлашув

Болалигим кечган қишлоқдан  
Кетаяпман дилимни ғашлаб.  
Воқиб қолар таниш ўтлоқдан  
Дарахларим кўзини ёшлаб.

Қуёш маюс ботолмай гўё,  
Онам каби қолар кузатиб.  
Бизлар бирга дея доим,  
Турар иссиқ қафтин узагиб.





икрор бўлди, ўн бир йил муддат белгиладим. Лекин мен терговчи эмасман-да, судья ҳам эмасман. Отаси қамалиб, онаси ўлиб, кўчада тентираб юрган Зафар етимчамам холос. Йўқ, етимча эмасман. Даъвогарман, терговчи бўламан, судья бўламан, жазоларини олмагунча қўймайман, Қўй-май-ман!

Муҳамедовларникига бордим. Виламан, мумкинми десам, икки дунёда ҳам ичкарига қўйишмайди. Тўппа-тўғри кириб боравердим. Равонда ҳаммалари жамул-жам бўлиб телевизор кўришяпти. Ҳар галгидек бу сафар ҳам Муҳамедов куёви билан қарта ўйнайпти. Қиморга ўхшайди. Тарелкада қоғозу, чақа пуллар бор. Набиралари нарироқда ўмбалоқ опишяпти. Қизи онаси Қози холам билан иягини иягига теккизишиб суҳбатга берилган. Иккиланаиб қолдим. Кирсам ҳойнаҳой оғиз очиртиргани қўйишмайди. Муҳамедовнинг бошида чуқ нуса дўши, елкасида банорас тўн, янги куёвлардек савлат тўкиб ўтиришини қаранг. Худди аллақимни суд қилаётгандек қовоғини солиштириб олган. У ҳаминча мушанақа — қовоғидан қор ёғиб туради. Бизникига, гапга борганда ҳам, қарта ўйнаб улфатларнинг пулини шилиб олаётганда ҳам чехраси ҳеч очилмайди. Лекин қадди-қомати хўп келишган-да. Қовоғини солиб турганда ҳам, барибир, юзида аллақандай улғусифатлик ўрмалаб юргандек бўлади. Куёви ҳам ўзига ўхшайди. Барваста, норгул. Дадам уни, келажаги порлоқ, бора-бора «Горторг» га бошлиқ бўлиб қолса ҳам ажаб эмас, деб юрарди.

Дераза ойнасига пешонамини тираб узоқ туриб қолдим. Оёғимдан зах ўта бошлади, совуқ баданбаданнимдан ўтиб кетди. Ойнани қаттиқ тақиллатдим. Ҳаммалари мен томонга ўгирилишти. Қози холам югуриб чикди:

— Кимсан?  
— Бу мен, Зафарман, — дедим.  
— Ие, қолагинанг ўрилган, нега киравермайсан? Вўйларингдан гиргиттон бўлай, кел, бир кўришиб қўйайлик. Ана шунақа йўқлаб келганингни яхши кўраман-да.  
Тезгина келиб елкамдан олди-да, пешонамдан совуқкина ўпди:  
— Қани юр, ичкарига кирамиз, нега совуқда турибсан?  
— Ойимнинг тақинчоқларини беринг, — дедим гапни чўзмай, — минг қасам ичсангиз ҳам, барибир, олмагунча қўймайман.  
— Ҳалиям шу галвани қилиб юрибсанми?  
— Беринг, деяман.  
— Шовқин солма, болам. Юр, ичкарига кирайлик. Ана, Муҳамедов ўтирибди. Ўтган гал келганинда ҳам айтувдимку, онанг қайтиб олган деб. Раънохоннинг арвоқини ҳадеб безовта қилаверсанми?  
— Берасиз. Мен уларнинг ярмини сотиб ойижоним, акам, укамларнинг қабрига мармар тош қўяман. Кеча бордим, ҳувиллаб ётибди. Беринг тезроқ.  
— Э, овозингни ўчир-э!  
— Бермайсиэми?  
— Э, афтинг курсин-э тирик етимча!  
Киши хато қилганда хато қилаётганини сезмас экан. Уша дақиқада мен ҳам болалигимга бориб

хато қилган эканман. Орадан ойлари ўтиб қамокхонанинг қоронғи, зах хонасида ётар эканман, ўша кунги хатоимни такрор ва такрор кўз олдимга келтириб, нега бундай қилдим-а, деб ўзимни сўроққа тутардим... Билмадим, қанақанги куч таъсирида эканман, Қози холанинг томоғидан қўйлагига аралаш бўғиб олиб, бор кучим билан бошини деразага, деворга ура бошладим. Қартабоз эри ҳам, келажаги порлоқ куёви ҳам ажратиб ололмади. Қийчув кўтарилгани ҳам ора-чора қулгимга кириб тургандек... Кейин... Кейин мени ерга ётқизиб олиб пахсага лой тепгандек тепкилашди.

### III боб

**М**ана энди мен жиннихонада ётибман. Йўқ, кулманг, ростмана жиннихона. Дарвоза тепасига «Шаҳар психик касаллари шифохонаси» деб ёзиб қўйилгандан кейин бундан бошқа яна қанақа тасдиқ керак? Тавба, э, тавба, нималар бўляпти ўзи, нега мени бу ерга олиб келишди, нега?.. Барно холамникига борган докторлар, аввалги ётган жойингизга биз билан бориб, ўзингизни шунчаки бир текширтириб кўрасиз, қонда шунақа, ҳар уч ойда бир текширув бўлади, дейишганди.

Нега ваъдалари бўйича аввалги ётган шифохонамга эмас, психбольницага олиб келишди? Ахир менинг касалим руҳий эмас, асабийликдан-ку? Олдинги докторларим ҳам, Тошкентдаги шифокорларим ҳам шундай дейишганди-ку! Наҳотки мен жинни бўла бошлаган бўлсам? Мана қўлим, мана бешта панжам, кўраяпман, кўрганимни англаяпман. Жинни қилган ҳаракатини, айтган гапни ўзи англамайди, ҳис қилмайди. Сўнги кунларда онгсиз, ҳиссиз бирон ҳаракат қилганим йўқ-ку...

Хонада ёлғиз ётибман. Устимдан қулфлаб қўйишган. Гаплашадиган одам йўқ, қиладиган иш ҳам йўқ. Қани, сўнги кунлардаги фаолиятимни бир бошдан ўйлаб кўрай-чи... Муҳамедовникидан калтак еб чиққангиз ҳеч кимга айтмадим, айтгани ор қилдим. Эртасига шаҳар прокурорига бордим. Уни бир маҳал сизга таништирганман. Атоулло Исоевич иккимиз ҳузурига кирганимизда аввал қовоғидан қор ёғиб, кейин чехраси очилиб сўзлашган. Мен Ленинграддан келдим, бу шаҳарда ҳам ўша ердаги каби тартиб ўрнатмагунча ётиб ухламайман, деган. Ҳатто ўшанда Атоулло Исоевич билан менга қошларини кериб туриб, сизлар менинг активистларим бўлинглар, биргалашиб қонун ва тартиббузарларга қарши курашайлик, деб айтганини ҳалигача унутганим йўқ эди.

Хонасига руҳсатсиз кириб остона тагида бошимни солиштиргангиз жим туравердим.  
— Хўш, йигитча? — деди бошини кўтармай.  
— Мен... Зафар Каримов бўламан, — дедим хаяжондан нафасим қисилиб.  
— Хўш?  
— Мени танияпсизми?  
— Негадир эслай олмаяпман.  
— Сизни ўшанда, ҳар нарса бўлай, яхши кўриб қолувдим.  
— Қачон, нега яхши кўриб қолувдийиз?  
— Дадамнинг устидан тергов кетаётганда.  
— Э, сиз Каримовнинг ўғли бўласиз-а? Ҳа, эсладим. Вир муаллим бошлаб келувди шекилли. Эсладим, хўш, хизмат?

— Мен жиноятчилар ҳақида маълумот бергани келдим. Аниқ маълумот. Ўз кўзим билан кўрганман.  
— Қани-қани, эшитайлик-чи?  
— Судья Муҳамедов ҳақида.  
— Дадангизни у суд қилмади шекилли?  
— Барибир. Ундан кейин Сафир Бадалов тўғрисида ҳам.

— Горторг бошлиғими? Қизиқ, қани эшитайлик-чи? Павлик Морозовлар қанча кўп бўлса, шунча яхши... Кичкинагина бир факт катта-катта жиноятларни очиб юбориши мумкин. Қани, ўтиринг-чи. Йўқ, аввал эшикни жипсроқ ёпиб қўйайлик.

Прокурор ўрнидан туриб менинг қаршимга ўтирди. Сигарет олиб, учини эзгилай-эзгилай тутатди-да, пастки лабини чўзиб осмонга қараб пуфлади... Икковлари ҳақида шунча кундан буён сизга нимани айтган, айтишга улгурмаган бўлсам ҳаммасини айтдим. Гап орасида қизишиб, бирикки кўз ёши ҳам қилиб олдим шекилли. Прокурор назаримда арзимни лоқайд тинглади. Гапирётганимда бошим оша дераза томонга бепарвогина қараб ўтиргандек бўлди.

— Шундай денг? — деди охирида яна сигарет тутатиб.  
— Ҳа, шундай, — дедим хўрсиниб.  
— Ҳамиша олиб келишган экан-да?  
— Ҳамиша олиб келишган.  
— «Волга» ниям олди денг?  
— Бировнинг номига тўғирлаб олди.  
— Муҳамедовнинг хотини тақинчоқларни қайтариб бермабди-да?

— Тонди, қайтариб берганман, деб қасам ичди. Ойижонм бечора шуларни деб ўлиб кетди.  
— Уша «Тилхат»нинг парчаларини мен кўрсам бўладими?  
— Адвокат опа, бундан бир гап чиқариш қийин, дегандан кейин ташлаб юборганмиз.  
— Хом иш қилган экансиз.  
— Отингиз Зафармиди? Э, Зафаржон, хом иш қилиб қўйибсизлар.

Прокурор негадир туриб яна шошилиб ўрнига ўтирди. Бошини чайқаб қўйди. Ичида, э аттанг, деган бўлса ҳам ажаб эмас. Столнинг бироз чертиб турди-да. «Им, да», деди, кулимсиради. Кулимсираганча менга узоқ тикилиб қолди.  
— Ахборотларингиз қизиқ, жуда қизиқарли. Эйтибсиз қолдириб бўлмайди албатта. Лекин менга қаранг, сиз жиноят деб атаган нарсангизни тасдиқловчи бирон гувоҳ борми?

— Менинг ўзим гувоҳман.  
— Демак, ҳам даъвогар, ҳам гувоҳ ўзингизсиз, шундайми?  
— Худди шундай.  
— Вирон ашёвий далил-чи?  
— Ашёвий далил ҳам ўзимман. Ўз кўзим билан кўрганман. Қасам ич десангиз, қасам ичаман, нон урсин агар.  
— Демак, Зафаржон, уларнинг олиши, сизларнинг беришингиз ҳамиша махфий бўлган, шундайми?  
— Шундай.  
— Олувчи билан берувчининг манфаати тенг бўлгани учун ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверган.

(Давоми келгуси сонда)



Китобни В. ВАЛИЕВ безаган

### Колония...

Бу сўзни тилга олганда киши беихтиёр сесканади, ўйга чўмади. Кўз олдига суд ҳукмидан сўнг милиционерлар қуршовида ёпиқ машинага ўтираётган ўсмир келади. Ҳа, жиноий жазога тортилиб, озодликдан маҳрум этилган ўсмир қамоқ муддатини колонияда ўтайди.

Биз, одатда жиноят содир этган ўсмирлар ҳақида кўп ёзамиз. Ёзишга ёзамизу лекин унинг суддан кейинги ҳаёти билан кам қизиқамиз. Ахир у қанчалик узоқ муддатга ҳукм қилинган бўлмасин, бир кунмас бир кун яна озодликка чиқади-да. Кейин яна сизу биз билан балки, бир маҳаллада, балки бир кўчада яшайди, ишлайди. Модомики шундай экан, у колониядан қандай қайтиб келганлиги ҳам биз учун муҳим.

Биз колония тарбияланувчилари билан, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида яқинда республикамиздаги тарбия-меҳнат колониясига бордик. Бугунги ҳикоямиз ана шулар ҳақида.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, биз турли андишаларга бориб очеркимиз қаҳрамонларнинг номларини ўзгартириб беряпмиз. Эҳтимол, у ўзидagi қусурлардан колонияда халос бўлар. Орадан маълум вақт ўтгач, ўзининг нохуш тарихини эслашни, бошқаларнинг ҳам эслатишини истамас. Яна ким билади дейсиз.

## Биринчи таассурот

Баланд темир панжарали дарвозалар биринкетин очилди. Очилди-ю, ичкарига қадам қўйишимиз билан улар яна шарақ-шуруқ этиб қулфланди. Бу садолар «Бу ер колония! Бу ер колония!» деб ҳайқираётгандек таассурот қолдирарди. Ана, ҳовлининг икки томонидаги баланд бинолар ёнида колония тарбияланувчилари кўринди. Уларнинг эгнидаги кийимлар бир хилда — қоп-қора эди.

Нега?

Улар ножўя иш қилиб қора бўлгани учунми?

Уларнинг тақдирига ўзлари қора доғ туширганигами?

Эҳтимол...

— Биринчи сменада ишловчилар учун иш вақти тугади, — деди ҳамроҳимиз, колония бошлигининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, ички хизмат капитани Икромжон Жўраев, — тушлиқдан сўнг буларнинг айримлари ҳунар техника билим юртида, айримлари мактабда ўқишади. Тушгача ўқиган болалар эса ишга чиқишади.

Мактаб...

Ҳунар техника билим юрти...

Иш...

Шуларнинг ҳаммаси колонияда...

Қора либосли ўрта бўй, новча, миқтидан келган ўсмирлар... Уларнинг юз-кўзларига тикиламан. Қора кийим уларнинг юзини тунд, хўмрайган қилиб кўрсатади. Хаёлдан эса ғалати ўйлар ўтади.

Буларнинг ҳар бири кимларнидир қон қақшатган...

Пулларини, буюмларини ўғирлашган...

Йўлини тўсиб, талончилик қилган...

Қизларни зўрлаб, номусига теккан...

Қотиллик қилган...

Шундай экан, улар учун колонияда ҳам билим олишлари, ҳам ҳунар ўрганишлари учун шароит яратиш шартмикин. Улар жиноятчилар-ку, қилмишларига яраша жазо тортишлари керак эмасми ахир? Шунда бу ўй-фикрлар биринчи таассурот мевалари эканлиги, бу қора либосли жиноятчи ҳали ўсмир эканлиги ёдингга тушади. Йўл бошида адашган бу ёшларга тўғри йўлни топиб олишларига ёрдам бериш учун бор имкониятларни ишга солиш кераклигини эслайсан. Қолаверса, уларнинг юрагида шафқатсизлик, нопокликнинг туғилишига, маънавий қашшоқ бўлиб қолишига катталарнинг, бирга ўқиган, бирга юрган тенгдошларнинг айби йўқми? Улар кимларнингдир лоқайдлиги, бепарволиги туфайли мактабда чуқур билим олишдан, севган ҳунарини ўрганишдан бенасиб қолганлиги туфайли жиноят кўчасига кириб қолган бўлиши ҳам мумкин-ку ахир. Буларнинг ҳаммаси бу ерга суднинг қора курсиси орқали келишган. Оқибатда ота-она, қариндошуруғ, дўст-биродарлардан ажралиб колонияда яшашга маҳкум. Лекин бундан кўзда тутилган асосий мақсад — тарбиялаш. Йўл қўйган хатоларни англаб олишга ёрдамлашиш. Демак, улар учун ҳам, биз учун ҳам нима сабабдан жиноятга қўл урганлигини билиб олиш муҳим.

## Сўз — Икромжон Жўраевга

Икромжон ака бу муассасада ўн йилдан буён ишлайди. Тажрибали педагог, офицер.

— Бизда ҳам мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида бўлганидек, иш ўз-ўзини бошқариш асосида юритилади, — деди у, — аммо бу улар ўз ҳолига ташлаб қўйилади, деган сўз эмас. Тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати офицер-тарбиячиларнинг назорати остида, улар интизомга қатъий риоя қилишлари лозим. Сабаби колонияга келаётган ўсмир-

ларнинг кимлиги маълум. У мактабда ёки билим юртида ўта интизомсизлиги билан ажралиб турган. Жиноий ишга ҳам ички интизом йўқлиги туфайли қўл урган бўлади. Энг ёмони, уларнинг анчагина қисмида қизиқувчанлик сўнгган, ҳамма нарсага бепарво, лоқайд. Бизнинг мақсадимиз улардаги мудраб ётган қизиқувчанликни, активликни уйғотиш. Бу жуда қийин муаммо. Аммо бу муаммони ҳал қилишга уринаймиз. Бунда бизга ота-оналар комитети аъзолари яқиндан ёрдам беришяпти. Биз йилига бир неча марта ота-оналар кунларини ташкил қиламиз. Бунинг учун ўсмирларнинг уйларига хат ёзиб, таклифномалар юборамиз. Белгиланган кунни улар келишади. Шу кунни тарбияланувчилар ўз ота-оналарига концертлар қўйиб беришади, суҳбатлар, учрашувлар ўтказилади.

— Тарбияланувчилар орасида интизомни бузувчилар учраб турса керак...

— Интизомни бузган ўсмирнинг ҳулқи отряд советида муҳокама қилинади, бу ҳол яна такрорланса ота-онасига хат ёзиб маълум қилинади. Агар бу ҳам самара бермаса Ўзбекистон ахлоқ тузатиш меҳнат кодексининг 67-моддасида кўзда тутилган чоралар кўрилади. Булар ичда оғоҳлантириш, навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш ва бошқа чоралар бор.

— Намунали, интизомли тарбияланувчилар қандай рағбатлантирилади?

— Бизнинг бирдан бир ниётимиз болаларнинг ҳаммасини намунали, интизомли ҳолда кўриш. Шунинг қувонч билан айтишим мумкинки, тарбияланувчиларнинг кўпчилиги колония тартиб қоидаларини бузмайдилар. Бундайларнинг уйига ўғлининг қусурларидан ҳоли бўлиб бораётганлигини айтиб хат ёзамиз, отряд совети йиғилишларида таъкидлаймиз. Ўзбекистон Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексининг 65-моддасида кўзда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаймиз. Масалан, ташаккурнома эълон қилишдан тортиб яқинлари билан нормадан ташқари қўшимча учрашувгача ва ҳоказо. Рағбатлантириш чораларининг энг муҳим хили — бу жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишдир. Бунга ўзининг тўғри йўлга тушганлигини намунали ҳулқи, меҳнатга ва ўқишга виждонан муносабати билан исботлаган, жазонинг қонунда кўрсатилган маълум қисмини ўтаган ўсмирлар эришадилар. Биз тарбияланувчиларимизнинг яхши томонига ҳам, ёмон томонига ҳам бефарқ қарамасликка ҳаракат қиламиз.

— Бизда яна бадий ҳаваскорлик тўгараги ҳам бор, — деб гапира даво этди Икромжон ака, — унга уруш ветерани, ота-оналар комитетининг раиси Ванда Ивановна Каримова жамоатчилик асосида бошчилик қилади. Яқинда улар таниқли педагог А. Макаренконинг «Педагогик поэма» асарини саҳналаштирдилар.



(Иккинчи мақола)







Севара ВАФО



## Сайроқи қушимга

Қушим, қадринг билинаркан куз гулин совуқ урса...  
Йиллаб юз кўрмаган дўстдай эсланарсан ўша пайт.  
Қиш ҳам тотли туюларкан ортида баҳор турса —  
Қушим, бизда қиш соб бўлди, ўз боғинга тезроқ қайт.  
Тонглар отар... Музлар эриб, сен қайтарсан бағримга  
Қиш чекинар, соғинчлардан қорлар эриб битади,  
Раҳмат қушим, севолмадим ўзгани бу қаҳр-ла  
Совуқ урган гуллар сени, яшил торғиб кутади...

## Адолат шарбати

Якка-ю-ягона гўзал ўжар қиз —  
Эшигимни қоқиб, кулар Адолат...  
Танидим-эй уни қолганда ёлғиз,  
Ташлаб кетганида муздай Муҳаббат.

Қани кир, совиган хонамни тўлдир,  
Шарбатинг бир аччиқ. Симирган сайин  
Дунёнинг оқ юзи — қоп-қора, чўтир...  
Адолат, кўзингдан бир бор ўпайин.



## Тунги трамвайлар

Тунги трамвайлар —  
Аквариумлар,  
Сузадир зангори тунлар қаърига.  
Еруғ вагонларда тентирар кеча,  
Бекатлар ташвиши сиғмай бағрига,  
Бир йигит кезади ярим тунгача...  
Нафрат ва муҳаббат борар изма-из.  
Ногоҳ хуштак чалар кузги изғирин,  
Армондай кетди Емғир бўлиб Қиз...  
Еруғ тунлар қаъри гуллайди тагин...

## Озод қирғоқлар

Ойнинг олтин ўроғи бор,  
Осмон тўла дон-бошоқ,  
Ўрганганга кенг дунё тор,  
Чорлагай озод қирғоқ.

Бу қирғоқнинг чорлоқлари,  
Тунлар тушимда қўймас.  
У қирғоқнинг парилари  
Сенинг ҳуснингга тўймас.

Олов ёқсам хушбўй шамлар  
Ениб кетгай кўксимда,  
Учқун сачрар тамакиндан  
Дийдам гирён кўзингда...

Езги боғлар элитганда  
Тойиб кетдинг — Ой гувоҳ  
Мен кетаман шамолларга —  
Сочларимда бор гуноҳ...

## Қисмат

Қор тиззага уради,  
Чийиллар дайди шамол,  
Олисда ит ҳуради  
Йиғлаб, кулиб борар чол.

Ўз қисматин лағнатлаб,  
Айланар кўзида ёш;  
Тунда остона хатлаб,  
Олиб кетди ўйдан бош.

Илондай чақар уни,  
Зим-зиё аёзли тун,  
Синдирди Ой — кўзгуни  
Кампири жон берган кун.

Елғиз ўғли суқсурдай,  
Эрка ўсди: шод, беғам,  
Чолга энди ҳузурдай  
Елғизи келтирган ғам...

Бола бошидан қонли  
Жиноят хумин қўйди —  
Ўғирланган мол жонли —  
Чолнинг томири қўйди:

«Йиртқич қир шоқоли ҳам  
Қорни тўйса, қарамас.  
Бу лағнати ўз болам,  
Қорни тўйса, ярамас!..»

Шармандалик... Е раббим!  
Қотил, ўғри болам-а?!  
Нима эди гуноҳим,  
Тилсим экан одам-а?!

Устирдим уни ўзим,  
Томоша бўлмади ёмон,  
Сабримга тилаб тўзим,  
Бўғайин ухлаган он...»

Чол қонида жунунлик,  
Ғурур ҳисси кўпирди,  
Ғам умрига етгулик,  
Кўз косасин ўпирди.

Тунда қақраб лаблари —  
Ўғлини сўнг бор ўпди,  
Ўт аро асаблари —  
Бўғдию, юзин ёпди...

Олов ичра кулбаси,  
Қолди йироқ-йироқда  
Чолнинг сўнги нафасин  
Ҳақ — дўзохий тузоқда...

Қор тиззага уради,  
Чийиллар дайди шамол,  
Олисда ит ҳуради,  
Қаҳ-қаҳ уриб кулар чол.




С. В.

Расмларни шоирнинг ўзи чизган.

\* \* \*

Мурдаларнинг бош суяги,  
Тошга қаттиқ боғганда.  
Мунажжимлар юлдуз санаб  
Эсдан оғиб ётганда

Този итлар танимасдан  
Эгасини қопганда,  
Паричеҳра пок нигорни  
Тунлар шайтон ўпганда,  
Олов сатр мени ютгил,  
Аждодларим уйғотсин,  
Елкаларим, — чидаб беринг  
Энг оғир тоғни ортсин...



## Сенинг ёдинг

Дарахтга суяниб турар ой.  
Пастда мен оловни қучаман,  
Бу аччиқ, бу оғир қадаҳни  
Сенинг ёдинг билан ичаман...

## Соғинч

Ширин изтироблар, қийнаниш уни  
Қирғий панжасида қора кабутар  
Кўзидан ўт юлдуз томсин ҳар кuni —  
Бир Аёл соғиниб уни кўп кутар.



## Шоир севгиси

Дунёдаги ҳамма оққушлар,  
Кафтгимизга қўнган соҳилда —  
Дунёдаги ҳамма бахтсизлик  
Фурсат етиб сўнган соҳилда  
Учрашади қорачигимиз...

## Севгилим

Хиёнат чаёнин ўлдириб бўлгай,  
Денгизни қон билан тўлдириб бўлгай,  
Мажнун сафрларинг сўндириб бўлгай,  
У... Ватанни сотиб бўлмас, севгилим...

Устоз ва шогирдлар

А. КУДРЯШОВ фототюди.







# Ташкент

„Гулрух“! Республика хунар-техника билим юртлари маданият уйи фольклор-этнографик ансамбли ана шундай деб аталади. Унга Исроил Исломов раҳбарлик қилади. Ансамбль ҳаваскорлари ижросидаги куй-қушиқлар, ланар ва рақслар, ичакузди томошалар санъат шинавандаларига манзур бўлмоқда.

А. КУДРЯШОВ фотолари.



Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев:

„Ҳаётимда неки омад ёр бўлган экан,  
уларнинг барини аввало ОНАМга бағиш-  
лайман!“

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.





«Еш куч» саҳифасида кўп санъаткорлар ҳақида мақолалар берилляпти. Лекин негадир севимли хонандамиз Шерали Жўраевнинг ижоди, ҳаётига доир ҳикоялар чиқмаяпти. Ваҳоланки, бу хонанда мухлисларининг сон-саногии йўқ. Илтимосимизни ерда қолдирмасиз деган умидда

Тошкент шаҳар,  
Сағбон кўча 30-туликда яшовчи  
ҲАМИДОВлар оиласи».



РЕДАКЦИЯДАН. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев довруғи республикамаздан анча олисларга ҳам таралган. Журналимиз саҳифаларида эълон қилинган «Олтин фасл орзулари» IV туридаги «Ўзбекистонда яшаётган уч энг таниқли замондошинг ким?» деган саволга аксарият журналхонлар Шерали Жўраев номини тилга олганлар. Шунингдек, Хевадаги 5-мактаб ўқувчиси С. БОБОЖОНОВА, Самарқанд область Советобод районидаги Кат-



такўрғон совхозидан М. ҲАМДАМОВА, Фарғонадан 41-мактаб ўқувчилари Турғунбой ва Ҳамиджон СИРОЖОВлар ҳам машҳур хонанда ҳақида ёзишимизни сўрашган.

# ЭНГОЛИЙ ХУРЛИК

Аъзам УКТАМ

(Эссе)

йўл топиши шарт», дердилар. Узи эса бунга доим амал қилган ва бунинг жабрини ҳам керагича чеккан.

Колхоз янги тузилган пайтлар. Нурмат ака аравакашлик қилади. «Фаоллар»дан уч-тўрттаси ўз уйларида овқатланишмас, мудом кимнингдир ошига шерик бўлишарди. Зиёфатга чақирсалар ҳам бир нави, аммо улар оддий одамларга навбати билан уйда таом тайёрлашни буюрардилар. Маошнинг тайини йўқ. Бир кунлик ишга — бир дўппи жўхори. Иш ҳақи шу. «Фаоллар»ни меҳмон қилишга мезбоннинг қурби етиш-етмаслиги билан ҳисоблашиш қаёқда дейсиз. Нурмат ака, толганини рўзғорга зўрага учма-уч етказиб кун кўрадиган қўшнисиникида ана шундай «базми жамшид» бўлаётганидан хабар топади. Секин пойлаб ичкарига кирса — тўрт нафар «фаол» палов еб ўтирибди. Ҳазабига чидай олмасдан: «Бечораларнинг нонига кўз олайтирган сендақа катталардан ўргилдим-е!» — деб олдиларидаги товоқ билан бошларига тушириб қолади. Тум-тарақай қочган «фаоллар» шарманда бўлишдан чўчиб унга тўхмат қилишди. Натижада у «колхоз раҳбарларига зўравонлик қилгани ва уларни қаттиқ ҳақоратлагани учун» қамал қўйилади. Виждонли одамларнинг аралашуви туфайли, у кишининг «ёт унсур» эмаслиги, беғуноҳлиги исботланиб, ўттиз кундан сўнг озодликка чиқарилади.

Шерали саккизинчи синфда ўқиётганда ҳануз оёғи узангида юрган «фаоллар» Нурмат акага қаттиқ зарба беришади — уни севимли касбидан айирадилар. Бунга ҳам унинг тўғрисиёзлиги сабаб бўлади.

Колхозчиларнинг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида чўпонларга нисбатан адолатсизлик қилинди. Касаллик тегиб ўлган қўйлар «у кишининг бепарволиги ва масъулиятсизлиги натижасида нобуд бўлди» деб ҳисобланди. Каттагина миқдорда жарима солинди.

— Бизда жуда кўп ғалати ишлар бор, — деди Нурмат ака сўз олиб, — Нима учун раиснинг, парторг, бухгалтер ёки ферма мудирининг қўйи ўлмайдими-ю, колхозниккига ўлат тегади? Мабодо уларнинг қўйига бирон нарсга бўлса, колхозники ҳисобига «ўрни тўлдириб» қўйилаверади...

У кишининг бу гаплари, хўжаликдаги адолатсизлик ва ўғирликларни фош этиши раҳбарларга ёқмади. Оқибатда отарни ундан тортиб олишди.

Буни қарангки, қалбсиз ва ҳиссиз одамлар санъат соҳасида ҳам бор экан. Бир пайтлар Нурмат акага қилинган адолатсизлик йиллар ўтиб Шералига ҳам рўпара келди. Фарзанд-ку, отасидан ҳақгўйликни ўрган-

ган, борса ўз отаси йўлидан борибди, аммо киши қалбини қийнайдиганлар бир-бирига нега бунчалар ўхшайди? Уларнинг бир тўдаси Андижонда яшаса, бошқа гуруҳи Тошкентда бўлса-ю, бир-бирини танимаса-да, нима учун кишига маънавий зарба бериш усуллари бир хил?!

Шерали институтни тамомлагач Ҳамза номидаги театрға ишга кирмоқчийди. Бирок тақсимот комиссияси уни республика филармониясига ишга тайинлади. Бу пайтларда унинг шуҳрати кундан-кунга ортиб борар, ҳамманинг оғзида унинг номи эди. Ҳатто бир ғал унинг концерти ўн кун давомида узлуксиз давом этган. Ҳанда номи афишага хайбатли ҳарфлар билан ёзишганди.

Ҳамкасбларидан бири: Неча йилдан бери шу ерда юриб, номимиз бирон марта лоақал гугурт чўпидек қилиб ёзилганини кўрмадик. Манавинга ўхшаган кеча келганларнинг исмини одамдай ҳарфда ёзишгани нимаси?! — деди. Шерали бу гапга индамай кулиб қўя қолди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Эрталаб ишга келганда уни ўша киши кутиб олди.

— Кечаги афишани кўру, бугунги газетани қара, — деди у.

— Ҳа, нима гап? — сўради Шерали кулиб.

— Ма, ўзинг ўқиб кўр, нималигини шунда биласан.

У газетани қўлга олди: «Лентадаги оғулар» номли фельетон босилган экан. Бир неча мистик хонандаларни бирмунча танқид қилишган-да, унга келганда тоза ошириб юборишган.

Шерали бир кун шундай бўлишини билар, ичдан эзилиб юрарди. Ҳали ўсмир пайтида таниқли хонандалардан бирининг олдиға маслаҳат сўраб борганди. У киши калондимоғлик билан: «Ука, овора бўлманг, бу йўлдан қайтинг, сиздан ҳеч қачон санъаткор чиқмайди», — деди. Бу гап Шералига ёмон таъсир қилди. Еш қалбига ундан ўч олиш, унга «кўрсатиб қўйиш» истаги оловланди. Тинимсиз машқ қила бошлади. Ҳанган қўшиқлари орасида Хазиний, Қорий ва Машраб ғазаллари билан айтиладиغان учта мистик ашула ҳам бор эди. Булар эса тингловчиларга кўпроқ ёқарди. Буни сезиб қолгач, еш ҳофиз ҳамма жойда уларни албатта айтарди. Қандай қилиб бўлмасин, одамлар оғзиға тушиш; унинг шаштини қайтарган ҳофиздан ўч олишни ўйлаганидан эди бу. Институтга киргач, буларни умуман айтмай қўйди. Аммо бунга бугунга келиб эътибор беришганди. Уларни кейинчалик мутлақо айтмай қўйганини эмас, улар анча илгари магнит ленталаридан жой олиб одам-

**М**

агнитофон тугмачаси сеҳрлидек туюлади... уни босасану ўзга оламга кириб қоласан...

Муסיқа. Кейин таниш соҳир овоз. Ҳзингни тамом унутасан...

Бунинг сабабини — кишининг куй-қўшиқ эшитганда нега сиқилиб-енгил тортиши; тушкунликка тушиб — руҳи юксалиши боисини кейинроқ билдим. Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романидаги куйидаги сўзлар бу сирни очиб берди:

«Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз. Бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замоналардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина қойил бўлганмиз. Фақат мусиқагина барча замоналарнинг ақидаларини энгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади... Шунинг учун ҳам биз айтолмаган нарсаларни у айтади, у шунга чорланган...»

Сенга шундай ҳурлик ва эркинлик бахш этган ҳофиз бошидан ўтган воқеаларни билиш, унинг қўшиқларини эшитиш, демаски, дарларини тушуниш, қочиримларини англаш, гурурига шерик бўлишни энгиллаштиради.

«Бешикдан саҳроға улоққан йўллар,  
Қиличмас, кетмонга узанган қўллар,  
Меҳнатдан яралган ризқу тириклик,  
Она алласидан бошланган куйлар...»

Бу сатрларни битиш истаги Шералига йигирма йил тинчлик бермади. У эсини таниганидан бошлаб Олой тоғи этакларида чўпон отаси ёнида бўлди. Ота-онаси эса уч ой кишинигина қишлоқда ўтказишарди, холос. Чунки иссиқда Нурмат аканинг аҳволи оғирлашар, тоби қочарди. Кейинчалик — далаларга кимёвий усулда ишлов беришдек ярамас одат томир отиб кетгач, заҳарли дорилардан қочиб ҳам тоғдан бери келмасди. У киши бағритош одам бўлмаганидек, болаларини ҳадеб эркалатавермас, «Ийгит киши мустақил, ўз фикрига эга бўлиши керак, ўзига ўзи

ТАЛАБЛАРГА

БИНОАН

ТАЛАБЛАРГА

БИНОАН

ТАЛАБЛАРГА


БИНОАН







Ф. ҚИЛИЧЕВ



О. НУРБОЕВ

## Танишинг, авторларимиз

Сиз, азиз журналхонлар, Файзулла Қиличев билан Обид Нурбоевнинг мақолалари билан яхши танишсиз. «Ота-оналар, мураббийлар, сизлар учун» рубрикаси остида бериб борилаётган материалларнинг муаллифлари шулар бўладилар. Бу мақолаларни ота-оналаргина эмас, ёшлар ҳам севиб ўқишаётганини редакция почтасига келаётган хатлар ҳам айтиб турибди. Ҳар иккала авторимиз ҳам ўсмирлар орасида жиноятчилик камайиши, барҳам топшишга ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил бел боғлашган.

# МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон ССР Маъмурий кодексига балоғат ёшига етмаган қонунбузарларга, шунингдек уларнинг ота-оналари ва ота-она ўрнини босувчиларга, яъни ўқув-тарбия ишларини олиб боровчиларга ҳам ўз вазифаларини тўғри бажармаганликлари учун маъмурий жазо чораси қўлланиши назарда тутилган. Бу иш халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетлари қошидаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси зиммасидаги вазифалардан бири саналади. Комиссия қонунбузарлик учун жамоат жазоси бериш, огоҳлантириш, 50 сўмгача етказилган зарарни ундириб олиш, 30 сўмгача жарима солиш, шунингдек, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар, маст ҳолда жамоат жойида пайдо бўлгани учун, умуман уларга спиртли ичимлик истеъмол қилишга йўл қўйгани учун уларнинг ота-оналарига ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахсларга 30 сўмдан 50 сўмгача, балоғат ёшига етмаганларни маст бўлиш даражасигача етказганларга эса 50 сўмдан 100 сўмгача жарима солиш ҳуқуқига эга.

...Тошкентлик 8-синф ўқувчиси Марина Ҳамза метро станцияда ўзини тута билмади. Тартибга чақиришга уринган синфдоши билан эса жанжаллашди, уни калтаклашгача бориб етди. Тун қоронғусида ҳеч бир мақсадсиз юрган 14 ёшли Тўлқиннинг чўнтаги текшириб кўрилганда бир ярим грамм наркотик модда топилди. Хўш, бундай ҳолатда қандай жазо чоралари қўллаш мумкин? Чилонзор район ижроия комитети қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси Маринанинг онаси З. ни ўз қизининг назорати билан жиддий шуғулланмаганлиги учун қаттиқ огоҳлантирди. Гражданин Ф. эса ўғлини дарсдан бўш вақтларини етарлича назорат қилмаганлиги учун 30 сўм жарима билан жазоланди. Шунингдек, Қарши шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги худди шундай комиссия телефон апаратини синдирган Элдорнинг ота-онасидан етказилган зарарни ундириб олишга қарор қилди.

Афсуски, балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятида бундан кўра мураккаброқ, янада кўнгилсизроқ ишларни ҳам кўриб чиқишга тўғри келади.

Фарғона областидаги шундай комиссиялардан бирида кўриб чиқилган ўғирлик ҳақидаги бир ишда ўсмирлар Бибиқов ва Худоёровлар 455 сўмлик давлат мулкни ўғирлаб кетишгани аниқланди. Комиссия яна шу нарсани аниқладикки, бу ўсмирлар мунтазам равишда дарсларда қатнашмасдан келишган, ўз уйларидан қочиб чиқиб, тунларни подвал ва чердакларда ўтказиб келишган.

— Нима учун уйдан кетиб қолдинг, — дея сўрашди комиссия аъзолари Бибиқовдан.

Унинг жавобидан ва онасининг сўзларидан маълум бўлишича, уни отаси ура бошлагач, уйдан чиқиб кетган. Комиссия бу ўринда ўсмир Бибиқовнинг отасига қаттиқ огоҳлантириш эълон қилди ва агар ўз фарзанди тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирмаса, оталик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкинлиги уқдирилди. Етказилган зарар-чи? Маълумки, катта ҳажмдаги ўғирлик, бу каби жиноятларни комиссия ҳуқуқига жазо чоралари билан етарлича баҳолаб бўлмайди. Шунга кўра, бу иш суд ҳайъати эътиборига ҳавола қилинди.

Самарқанд областида гаражга ўт қўйиб юборган ака-ука Валиевларнинг ота-оналари ўзи тарбияга

муҳтож кишилар. Ота-она мунтазам спиртли ичимлик ичади, онасини кишилар ахлоқан яхши баҳолашмайди, отаси кўпинча бекор. Уйнинг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Болалар умри асосан кўчада ўтади, мактабда жуда ёмон ўқишади, тез-тез майда безориликлар қилишган. Ота-она комиссия томонидан бир неча бор жарима билан жазоланган. Лекин бундан улар тегишли хулоса чиқаришгани йўқ. Хўш, энди нима бўлади. Комиссия хулосасига кўра, бу ота-оналарга болаларни бундан кейин ишониб топшириб қўйиб бўлмайди. Халқ суди комиссиясининг бу хулосасини тўғри деб топди ва ота-онани оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этди.

Тошкентлик ўсмир Петровнинг онаси ўз ўғлини балиқ овига олиб чиқиб, кечаси совуқ қотмаслиги учун уни вино билан сийлагани учун 100 сўм жарима тўлади.

Ўзбекистон ССР Маъмурий кодексининг комиссиялар ҳақидаги бандида балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиясининг яна бир ҳуқуқи белгилаб берилган. Бунга кўра, комиссия тегишли давлат органларига ва жамоат ташкилотларига фарзандлар тарбиясига нотўғри ёндашаётган ёки

## ОТА-ОНАЛАР, МУРАББИЙЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

комиссия қарорларини амалда бажармаётган ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан зарур тадбир амалга оширишни, шунингдек, болалар ва ўсмирлар қонунбузарлигига йўл қўйган, ё бўлмаса балоғатга етмаганларни жиноятга ундаган, ё уни жиноятга бошлаган шахсларни жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат қилиши кўзда тутилган.

Афсуски, баъзи комиссиялар томонидан бу каби тадбирларни ўз вақтида ва ҳаққоний бажаришдан чекинш ҳоллари учраб турибди. Балоғат ёшига етмаган Долгополов қонунбузарлиги учун икки марта комиссияда муҳокама қилинди. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам унинг отаси — йирик ташкилотлардан бирининг раҳбари И. Долгополовга нисбатан жазо чораси қўллашни лозим топилмади. Ўз вақтида ота-онанинг огоҳлантирилмаслиги, жазоланмаслиги оқибатида эса ота-она ўз фарзанди тарбиясига жиддий ёндашмади. Комиссиянинг И. Долгополовга қилган «яхшилиги» шу бўлдики, унинг ўғли аввал безори болалар таъсирида спиртли ичимлик истеъмолчилари сафига қўшилди. Сўнг эса ичимлик таъсирида қотилликнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб қолди. Худди шу маънода яна бир характерли мисол: Наманган области мактабларининг бирида 8-синф ўқувчиси Ернаулов мунтазам равишда тартиб-қонидани бузганлиги учун мактабдан ҳайдалди. Лекин Ернауловнинг яхши оилада яшамаётганлигини мактаб коллективи ҳам, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси ҳам, кўни-қўшнилар ҳам, ота-онаси меҳнат қилаётган коллектив аъзолари ҳам яхши билатуриб, бу ҳақда

на тегишли давлат органларига, на балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиясига эр-хотин Ернауловларга бола тарбиясига оид ўз бурчларини бажармаётганликлари учун тегишли жазо чораси қўллаш таклифи билан мурожаат қилишмади. Ҳатто ота ўғлининг мактабдан қувилганидан мамнун ҳам бўлди. Чунки у энди мактаб коллективи гап-сўзларидан қутулган. Унинг тушунишича, ўғли 16 ёшга тўлди, энди ишлаши ва ўз ҳаётини ўзи бошқариши мумкин. Йўқ, ўсмирнинг отаси эртaroқ севинган экан. Энди ҳеч кимнинг назоратисиз қолган ўсмир қинғир ишларни давом эттирди ва магазиндан 40 минг сўмлик қимматга эга бўлган сотув молларини ўғирлаганларнинг бошчиларидан бири сифатида қўлга тушди. Афсуски, ҳаёт шундай бефарқлик сабаб бўлиб, юз бераётган жиноятлар саногини яна давом эттиравериш мумкин.

Ота-оналарга фарзанди тарбиясига бефарқ қараганлиги учун тегишли чора-тадбир қўлламаслик каби ҳоллар Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрида айниқса кўпроқ учрамоқда. Балоғатга етмаган ёшлар қонунбузарлиги рўй берган ҳолатларнинг тахминан 80 процентидан ота-оналар жазосиз қолаётти. Бу эса ўз-ўзидан республикада болалар ва ўсмирлар орасида бўладиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ишини янада чигаллаштирмоқда.

Бундай ота-оналарга нисбатан маъмурий жазо чораси ички ишлар бўлими, халқ судлари ва шу давлат органларининг жойлардаги бошқа ташкилотлари томонидан ҳам қўлланиши мумкин. СССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 5 июндаги «Безорилик учун жавобгарликни ошириш ҳақида»ги Қарорига кўра, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшлар содир қилган майда безорилик учун уларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга ички ишлар органлари бошлиқлари ва ўринбосарлари томонидан 10 сўмдан 30 сўмгача жарима солиниши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳридаги «Старт» стадионида 15 ёшли Қодиров ва Кашинлар қонунбузарликка йўл қўйганда уларнинг ота-оналарига худди шундай йўл билан жарима солинди.

Қонунбузар болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари ва улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни йўлга қўйишдан асосий мақсад — аввало ўз фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмаган ота-оналарнинг оиладаги ўрнига, тарбиявий ишни тўғри йўлга қўймаган ота-она ўрнини босувчи тарбиячининг фаолиятига баҳо бериш, улар масъулиятини яна қайта эслатиш, шу йўл билан бу каби кўнгилсизликларга чек қўйишдан иборат. Шундай экан, шу мақсадни бу борадаги масъул шахсларнинг ҳар бири, шунингдек, ҳар бир ота-она тушуниб етиши мақсадга мувофиқдир.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
республика прокурори ёрдамчиси.  
Обид НУРБОЕВ,  
республика прокуратурасининг катта прокурори.

Муаллифлардан: «В. И. Ленин номли болалар фондининг Ўзбекистон бўлими таъсис этилганлигини биз зўр қувонч билан қўтиб олдик. Ушбу мақоланинг қалам ҳақини болалар фонди ҳисобига ўтказишларини сўраймиз».



# РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ

## Еттинчи сабоқ

Азиз ўқувчилар, ўтган сабоқларда кишилик олмошларининг ўзгарган шакллари билан ишлатилиши билиб олган эдингиз. Ушбу сабоғимизда ҳам юқоридаги мавзунинг давом эттириб, «Ҳақида» деган маънода ишлатилган «О» ва «ПРО» кўмакчиларининг кишилик олмошлари билан қўлланишини тушунтирамиз.

«О», «ОБ(О)» кўмакчиси қуйидагича ишлатилади:

- обо мне (абамнэ) — менинг ҳақимда (тўғримда)
- о тебе (атибэ) — сенинг ҳақингда (тўғрингда)
- о нём (анём) — унинг ҳақида (тўғрисида)
- о ней (аней) — унинг ҳақида (тўғрисида)
- о нас (анас) — бизнинг ҳақимизда (тўғримизда)
- о вас (авас) — сизнинг ҳақингизда (тўғрингизда)
- о них (аних) — уларнинг ҳақида (тўғрисида)

Демак, «я», «ты» кишилик олмошлари «О» кўмакчиси билан 3 — шаклда бирикади; «мы», «вы» олмошлари эса — 2 — шаклда; «он», «она» «оно», «они» олмошлари — 5 шаклда. (Кишилик олмошларининг ўзгарган шакллари ҳақидаги маълумотни иккинчи сабоқдан билиб олишингиз мумкин).

Мисоллар: На собрании говорили обо мне (о тебе, о нём, о ней, о нас, о вас, о них). — Йиғилишда менинг ҳақимда (сенинг ҳақингда, унинг ҳақида, бизнинг ҳақимизда, сизнинг ҳақингизда, уларнинг ҳақида) гапирдилар.

Я читал в газете о тебе (о нём, о нас, о вас, о них). — Мен газетда сенинг тўғрингда (унинг тўғрисида, бизнинг тўғримизда, сизнинг тўғрингизда, уларнинг тўғрисида) ўқидим.

Друзья разговаривали о нём (обо мне, о тебе, о ней, о нас, о вас, о них). — Дўстлар унинг ҳақида (менинг ҳақимда, сенинг ҳақингда, унинг ҳақида, бизнинг ҳақимизда, сизнинг ҳақингизда, уларнинг ҳақида) гаплашдилар.

Однокурсники вспомнили о них (обо мне, о тебе, о нём, о ней, о вас, о нас). — Курсдошлар уларни (мени, сени, уни, бизни, сизни) эсладилар.

Одинокая мать думала о нас (обо мне, о тебе, о нём, о ней, о вас, о них). — Елғиз она бизни (мени, уни, сизни, уларни) ўйлади.

Охирги икки мисолдан маълум бўлишича, «О» кўмакчиси рус тилида ўзбекчадаги «-ни» маъносида ҳам ишлатилиши мумкин.

«ПРО» кўмакчиси қуйидагича қўлланади:

### ПРО

- про меня (прамина) — менинг ҳақимда (тўғримда)
- про тебя (пратиба) — сенинг ҳақингда (тўғрингда)
- про него (пранивў) — унинг ҳақида (тўғрисида)
- про неё (пранийў) — унинг ҳақида (тўғрисида)

ҳам дейишади. Мен ўз номимдан, ука ва сингилларим номидан ҳурматли ва меҳрибон директориниз Вера Борисовнага, у ерда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга каттадан-катта раҳматлар айтаман, чунки улар бизни энг қийин кунларимизда ўз бағриларига олиб оналик қилдилар.

Қадрдон болалар уйда мен ўқишни, тикишни, пазандачиликни, қўшиқ айтишни, рақсга тушишни ва шеър ёзишни, энг муҳими, чинакам инсондай яшашни ўргандим ва ўрганишман.

Ҳозир бизга болалар уйда яйраб яшашимиз учун барча шароит ва ҳамма нарса етарли-ю, аммо ота-она меҳри етишмайди. Мен мана шу ерга кела туриб, ҳар хил кунларни ва ҳар хил одамларни кўрдим, ва барибир... ота-она меҳри ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмаслигини тушундим. Ота-онани айрилишдан ёмон айрилиқ йўқлигини ва биз қанчалик яхши яшамайлик барибир... ҳар

- про нас (пранас) — бизнинг ҳақимизда (тўғримизда)
- про вас (правас) — сизнинг ҳақингизда (тўғрингизда)
- про них (праних) — уларнинг ҳақида (тўғрисида).

Мисоллар: Учитель рассказал про них (про меня, про тебя, про него, про неё, про нас, про вас). — Уқитувчи уларнинг ҳақида (менинг ҳақимда, сенинг ҳақингда, унинг ҳақида, бизнинг ҳақимизда, сизнинг ҳақингизда) ҳикоя қилиб берди.

Ученики беседовали про вас (про меня, про тебя, про него, про неё, про нас, про них). — Уқувчилар сизнинг тўғрингизда (менинг тўғримда, сенинг тўғрингда, унинг тўғрисида, бизнинг тўғримизда, уларнинг тўғрисида) суҳбатлашдилар.

«ПРО» кўмакчиси ҳам «О», «ОБ(О)» сингари «-ни» маъносида қўлланиши мумкин:

Старые друзья помнят про нас (про меня, про тебя, про него, про неё, про вас, про них). — Эски дўстлар бизни (мени, сени, уни, сизни, уларни) эслаб турадилар.

Опытный врач думал про неё (про меня, про тебя, про него, про нас, про вас, про них). — Тажрибали врач уни (мени, сени, уни, бизни, сизни, уларни) ўйлади.

Шундай қилиб, О (обо), ПРО кўмакчилари кишилик олмошлари билан қўлланиб, «ҳақида», «тўғрисида» ва «-ни» маъноларини билдириб келар экан.

Ҳурматли ўқувчилар, қуйидаги мақол ва маталларни (пословици ва поговорки) ёдланг: Сперва в своих грехах покайся, а после над чужими потешайся — Аввал ўз айбингни бил, кейин бошқадан кул.

При сытости помни голод, а при богатстве — нужду — Тўқликда очликни эсла, бойганда — муҳтожликни.

Каждому своя болезнь тяжка. У кого болит, тот о том и говорит — Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар.

Одинокого волк пожирает, одиночку медведь раздирает — Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер.

Дорого, да мило, дешёво, да гнило — Арзон — беиллат эмас, қиммат — беҳикмат эмас. Кто добро сеет — пожинает благо, а кто худо сеет — пожинает горе — Яхшилиқ эккан эсонлик ўради, ёмонлик эккан — жабру захмат. Мир и согласие родителей — залог счастья семьи — Ота-она аҳиллиги — оиланинг бахтлилиги.

Энди хаста бўлганда врач билан қилинадиган муомалани ўрганинг! Поликлиникага борганингизда савол-жавоб қуйидагича бўлади:

Врач: Садитесь, пожалуйста. На что вы жалуетесь? — Марҳамат ўтиринг. Қаерингиз оғрипти? (Нимадан шикоят қилаяпсиз?)

бир бола ўз ота-онаси бағрини нақадар кўмсашини англадим. Лекин мен кейинги ҳаётимиз қандай бўлишни билмайман. Хаёлимни ҳамаша «Биз ҳам бошқа уй болаларидек ота-она меҳрига қониқармиканмиз, биз ҳам бошқа уй болаларидек хушчақчақ бўлиб юра олармиканмиз?» — деган саволлар, айниқса «Ким айбдор?» — деган савол чулғаб олади ва жуда қийнайди...

Умида ҚОБИЛОВА

РЕДАКЦИЯДАН: Биз бу мактубни ўқиб қаттиқ изтиробга тушдик. Хат муаллифи эндигина 9-синфни битирган, қизалоқлик гаштини сурадиган, ота-она бағрида катта ҳаёт сабоқларини ўрганиши зарур бўлган ёш қиз. Афсуски, Умида ва

Больной: Я чувствую себя плохо. У меня насморк, болит голова. — Тобим йўқ (Мазам йўқ) (Мен ўзимни ёмон ҳис қилаяпман). Тумов бўлиб қолдим, бошим оғрипти.

Врач: Когда вы заболели? — Касалингиз қачон бошланди?

Больной: Два дня тому назад я простудился. — Икки кун бўлди, шамоллаб қолдим.

Врач: Вы измеряли температуру? — Ҳароратингизни ўлчадингизми?

Больной: Да, вчера температура у меня была почти нормальная: 37,1 (тридцать семь и одна десятая). А сегодня у меня температура 38,1 (тридцать восемь и одна десятая). — Ҳа, кеча ҳароратим деярли нормал эди: 37,1 даража. Бугун эса ҳароратим — 38,1 даража.

Топшириқ: Қавс ичидаги кишилик олмошларининг бош шакллари ўрнига гапнинг мазмунига қараб, ўзгарган шакллари кўйинг. Шу текст асосида дўстингизга хат ёзинг.

## Письмо брату

Дорогой брат!

Извини (я), что долго не писал (ты). Я сдавал экзамены и был очень занят. Экзамены я сдал успешно.

Расскажу (ты) немного о Ташкенте. Этот красивый, солнечный город растёт у (мы) на глазах. С каждым днём всё выше и выше поднимаются этажи огромных зданий. (Я) очень нравится Ташкент. Мы с товарищем в свободное время любим гулять по улицам и площадям города.

Мой товарищ приехал сюда из Намангана. (Он) зовут Юлдаш. (Он) тоже двадцать лет. В воскресенье мы были с (он) в магазине. Я купил (ты) книги об историческом прошлом Ташкента. Книга очень интересная и (ты), конечно, понравится.

Домой (я) пока не ждите. У (мы) скоро начнётся практика. Очень прошу (ты), если встретишь Батыра и Нияза, передай (они) привет. Скажи, что я живу хорошо и часто вспоминаю о (они).

Напиши (я), пожалуйста, о здоровье отца и матери. Я каждый день думаю о (вы).

С приветом твой брат Рашид.

## Луғат — Словарь

- извинить — кечирмоқ (извини — кечир)
- нравиться — ёқмоқ
- вспоминать — эсламоқ
- сдавать экзамен — имтиҳон топширмоқ
- историческое прошлое — тарихий ўтмиш
- растёт на глазах — кўз ўнгида ўсмоқда.

Сабоқни С. АБДУЛЛАЕВ берди.









# Хировул, шақовул НИМА, Чаловул - чи?

Хурматли редакция! «Еш куч»ни мунтазам ўқийман. Менга кўпроқ фикр доирасини кенгайтирадиган мақолалар манзур бўлмоқда. Айниқса тарихий мавзудаги мақолаларга қизиқаман. Тарихий асарларни, масалан «Навойи», «Утган кунлар» ва бошқа романларни ўқиганимда уруш воқеалари тасвирлар экан қилич, тўп, тўппончадан бўлак қурол учрамайди. Наҳотки, ўтмишда бундан бошқа қуроллар

йўқ бўлса?! Иложи топилса, умуман ҳарбий санъат тарихи, қурол-яроғлар атамаси ҳақида маълумот берсангизлар.

Хурмат билан Б. ҚОДИРОВ,  
Тошкент район  
Киров қишлоқ совети.

Кишилиқ тарихи қирғинбарот урушлар, хунрезлик жанглар билан тўлиб-тошган. Социалистик тузум шароитидагина, мана қарийб ярим асрдирки, Ватанимиз тупроғида уруш кўрмай яшамоқдамиз. XX аср фан-техникасининг даҳшатли маҳсули бўлмиш ялли қирғин қуролларини чеклаш, буткул йўқотиш чораларини изламоқдамиз. Лекин тарихда қандай қурол-яроғлар ишлатилган, ҳарбий санъат нечоғли ривожланган — шулар ҳақида маълумотга эга бўлиш кўпчиликини қизиқтириши табиий.

Урта Осиё халқлари асрлар мобайнида аёвсиз муҳораба ва қонли жангу жадалларнинг шоҳиди бўлган. Синфий жамиятда эксплуататорлар ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш омманнинг ҳар қандай норозилигини бостирish, ташқи ҳужумлардан юртни ҳимоя қилиш ёки бойлик орттириш мақсадида қилинадиган ҳарбий юришлар маълум тартиб ва интизомга риоя қилувчи мунтазам қуролли кучларнинг бўлишини тақозо этган. Замонлар ўтиши билан бундай ҳарбий кучлар мукаммалаштирилган, ҳарбий санъат ва таълим шакллана борган ва ниҳоят, XIV—XVI асрларга келиб ўз замонасига кўра энг юқори чўққига кўтарилган. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Темурийлар (1370—1506) ва Шайбонийлар (1500—1598 йиллар) қўшинида янгича жанговар тактика ва тартиблар жорий қилинди, лашкар ўша замоннинг энг янги қурол-яроғлари билан таъминланди. Шарқда биринчи бўлиб Темур қўшинида **раъд** (тўп)нинг пайдо бўлиши Урта Осиё халқлари ҳарбий санъатида катта воқеа бўлди.

Феодал жамиятдаги синфий табақаланиш қўшин тузилишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чунончи, қўшиннинг асосий қисмини ташкил этган отлик аскарлар бадавлат кишилар ва уларнинг фарзандларидан тузилган. Пиёда аскарлар эса ёлланма ва оддий халқ вакилларидан иборат бўлган. Отлик аскарлар ҳарбий юришларда зарбдор куч ҳисобланган.

Тарихий манбаларга қараганда, қўшиннинг мазкур тури оғир ҳамда енгил қуроллар билан қуролланган суворийларга бўлинган. Енгил қуролланган отликлар, асосан разведка ва соқчилик билан машғул бўлган ва зарур чоғдагина жангга кирган. Оғир қуролли суворийлар жангда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Сон жиҳатдан отлик аскарлар пиёдага нисбатан кўпроқ бўлган.

Ҳарбий юришлар олдидан ҳукмдор лашкарбошилар, амирлар ва бекларни **машварат** (ҳарбий кенгаш)га тўплаган. Бу йиғинда, шунингдек, уруғ бошлиқлари, дин пешволари, шаҳзода, таниқли амир ва беклар ҳам иштирок этган. Ҳукмдор бўлажак юриш ёки четдан қутилаётган хавфни бартараф қилиш йўл-йўриқларини ана шу кенгаш муҳокама-сига ҳавола қилган. Шундан сўнг ҳукмдор мамлакатнинг турли бурчакларидан ва ўзига тобе вилоятлардан керакли лашкар тўплаш учун махсус **тунқол** (буйруқ) эълон қилган. Темурийлар даврида тунқол ҳукмдорнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири — **тавочи** томонидан керакли жойга зудлик билан етказилган. Тавочи лавозими саройдаги энг катта ҳарбий мансаблардан бири бўлиб, у аскар йиғишдан ташқари лакарбошиларга жанг олдидан қўшинни жанговар тартибга солиш, сув тўсиқларидан ўтиш чораларини кўриш, қўшинни жангга тайёрлаш ҳақидаги буйруқларни ҳам етказган. Урта аср тарихчиси Ғиёсуддин Алининг ёзишича, тавочи баъзан йирик ҳарбий қисмларга қўмондонлик ҳам қилган ва бевосита жангларда иштирок этган.

Тунқолга биноан ҳар бир вилоятнинг ҳокими, шаҳар беклари, қалъа, қўрғон **доруга утвол** (ҳоким)лари ҳукмдор томонидан кўрсатилган рўйхат, яъни **сонга** кўра, ўз аскарлари, керакли отулови, қурол-яроғи ва озиқ-овқати билан олий бош қўмондон томонидан белгиланган **миод ери** (жой)га ўз вақтида етиб келган.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да таъкидлашча, Дашти Қипчоққа (1390—1391 йиллар) юриш олдидан вилоятлардан йиғилиши зарур бўлган лашкарни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ ва бошқа керакли нарсалар билан таъминлаш буюрилган. Ҳар бир жангчига 30 та ўқ, бир садоқ, бир қалқон, шунингдек битта қўшимча от берилган. Юриш пайтида ҳар 10 жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арра, бир болта ва 100 дона нина олган ва ҳоказо.

Ҳукмдорнинг чодир турли рангдаги байроқ ва туғлар билан безатилган. Тайинланган вақтда лашкаргоҳга етиб келган аскарлар маълум тартиб билан ўз **бўлжор** — (жой)ларини эгаллашган ва юриш олдидан ўтказиладиган кўрикка тайёрланишган. Аскарларга маош ва таъминот учун мол ва пул улашилган. Жанг асбоблари тартибга солинган. Сипоҳийларга зарур бўлган аслаҳалар тарқатилган.

Тузилишига кўра, туркий қўшин ўн, юз, минг ва туман (ўн минг) каби бўлинмалардан иборат бўлиб, уларга **ўнбеги, юзбеги, мингбеги** ва **туманбеги**лар раҳбарлик қилган. Бу лашкарбошилар, ўз навбатида, олий бош қўмондоннинг ёрдамчиси **амир ул-умаро**га бўйсунганлар. Қорахонийлар (999—1212 йиллар) ва салжүқийлар (1038—1194 йиллар) даврида бундай мансаб эгаси **сипоҳсолар** деб аталган.

Туркий халқлар қўшинида душман тўғрисида келтирилган ҳарбий маълумотларга катта эътибор берилар эди. Жанг бошлангандан анча илгари душман тўғрисида маълумот олиш мақсадида унинг қароргоҳига якка-якка айғоқчилар юборилган. Улар **кўруг, жосу**с деб ҳам юритилган. Сафарга чиқиш олдидан лашкарни қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўлчилар тайинланган. Бундай кишилар кўпинча маҳаллий аҳоли ичидан танлаб олинган ва улар **ерчи, йўлчи, қуловуз** ва **қажарчи** деб аталган.

Керакли миқдордаги лашкар жам бўлгач, барча қўшин турлари — **ўқчилар, найзабозлар, тўпчилар (раъдандоз),** тош отувчилар (**сангандоз**), ичига ёнувчи модда солинган шиша иргитувчилар (**қорураандоз**) ҳамда манжаниқ (тош отадиган қурол) отувчилар ва бошқа жангчилар кўриқдан ўтказилган. Олий бош қўмондон қароргоҳи — **боргоҳ**даги кенгашда амир ва лакарбошиларга жанг олиб бориш усуллари яна бир бор тушунтирилган, душман сафларини бузиш йўллари кўрсатилган, жанг пайтида ҳар бир

бўлинма ва қисмининг турар жойи (бўлжор) аниқлашиб душман ҳамласини қайтариш усуллари ишлаб чиқилган, юриш маршрути келишиб олинган, дам олиш жойи ва вақти белгиланиб, бу жойларни тайёрловчи одамлар (юртчи) тайин қилинган.

Шундан сўнг ҳарбий юриш бошлаш ҳақида фармон берилган. Қўшиннинг юриши, вақтинча дам олиши ва яна йўлга отланиши маълум тартиб ва интизом билан амалга оширилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, қонун бўйича ҳар биртуманбеги, мингбеги, қўшин амири ўз даражаси ва сафда тутган ўрнига қараб, ўз қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган. Олий бош қўмондон томонидан белгиланган тартибни ҳеч ким бузишга журъат этмаган.

Қўшин **юрт** (дам олиш ёки тўхташ жойи)га тушганда, унинг атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган аравалар билан ўраб олиниб, шох-шаббалар билан тўсилган ва гирди четан (**чапар**) билан ҳамда ичига ўткир санчиқ-мўнду ўрнатилган хандақлар билан иҳота қилинган. Бу ўзига хос истеҳком соқчи отрядлар томонидан кўриқланган. Кечалари мазкур отряд ўз кишиларини **ўрон** (пароль) орқали билиб олган. Қорахонийлар қўшинида бу ибора «им» деб юритилиб ҳарбий юришларда кенг қўлланилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, «им» тарзда қушлар, баъзида қурол номи ёки бирор бошқа нарса исми олинган. Аскарлар учраганда уни айтиб ўзларини танитган. «Бобурнома»да ўрон билан боғлиқ қизиқ бир воқеа эътиборга лойиқ: «Ул юрушда маъҳуд ўрон лафзи «Тошканд» била «Сайрам» эди. Тошканд деса Сайрам дейилгай, Сайрам деса Тошканд».

Туркий халқлар қўшинининг жанговар тартиби асосан беш қисмдан иборат бўлган. Қадимги туркий битикларнинг далолат беришича, турк ҳоқонлиги даврида (IV—VIII асрлар) қўшин **ўнг** (ўнг қанот), **сўл** (чап қанот), **язак** (авангард) ва **елма** (соқчи отряд)дан иборат бўлган.

Темурийлар ва Шайбонийлар ҳукмронлиги пайтида қўшиннинг жанговар йўналиш тартиби қуйидагича бўлган: энг олдинда **қоровул** (соқчи отряд), ундан кейин **хировул, манглай** (авангард), **боронғор** (ўнг қанот) ва **жувонғор** (чап қанот), **ғул** (марказ), **чағдовул** (арьергард) қисмлари ҳаракат қилган.

Қоровул қисм енгил қуролланган суворийлар от-



Синар-қалқон

табар-болта

шашпар-гурзи

дабла - дубулға







АЛИШЕР НАВОИЙ

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Негай ҳуру пари базминки, қатлим ё хаёлимға.  
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой илкун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Биз аввалги мажлисда араб алифбо-сидаги

аб п т ш ж ч х

ҳарфлари билан танишиб, уларнинг сўз таркибида ёзилишига доир бир неча машқни бажарган эдик.

Навбатдаги ҳарф, **д** долдир, унинг

устига бир нуқта қўйилса, **д** зол ҳосил бўлади. Бу ҳарфлар **д** ва **з** товушларини

ифодалайди. Улардан кейин **р** ре, **ш** шин

зе, **ж** же (сирғалувчи) ҳарфлари келиб, **р**, **з**, **ж** (журнал) товушларини англатади. Шакл жиҳатдан бир хилда бўлган бу ҳарфлар нуқтаси билангина бир-бирдан фарқ қилади.

Бу **бешта** ҳарф сўз таркибида ўзидан олдинги ҳарфга қўшиб ёзилса-да, кейин келадиган ҳарфга боғлана олмайди. Уларнинг аввал ўрганган ҳарфлар элементига боғланиши қуйидагича бўлади:

1. Бу ҳарфлардан кейин келадиган ҳарф алоҳида кўринишда ёки ўзидан кейинги ҳарфга боғланган ҳолда, яъни сўз бошида келадиган формада бўлади:

да об жг

ра рб рг

2. Улар сўз ўртасида келганда аввалги ҳарфга боғланган, лекин ўзидан кейинги ҳарф элементига боғланмаган шаклда бўлади.

да об жг

ра рб рг

3. Улар сўз охирида ҳам айнан сўз ўртасидаги кўринишда қолади.

**с** син ва **ш** шин ҳарфларининг асоси бир хил бўлиб, устига уч нуқта

қўйилиши билан **ш** шин ҳарфининг ҳосил бўлганини кўрамиз. Бу ҳарфлар **с** ва **ш** товушларини англатади. Улар ўзидан олдинги ҳарфга боғланганда тишлари яна биттага кўпайтирилади, яъни бир илмоқча қўшилади:

Сўз ўртасида келганда эса **с** шаклга эга бўлади. Сўз бошида эса сатр ости элемент — домана олиб ташланган ҳолда **с** шаклда бўлади. Қўёзма манбаларда бу ҳарфлар кўпинча тишсиз

**с**, **ш** шаклларда бўлади. Син ва шиннинг аввалги ўрганган ҳарфлар элементига боғланишига доир намуналар:

1. Сўз бошида

са сб сг

2. Сўз ўртасида

аса саб саг

3. Сўз охирида

ас саб саг

**с** сод ва **з** зод ҳарфлари син ва шин ҳарфи боши қисмларининг ўзгача шакли билан фарқ қилади. Син ва шиннинг учтадан тишлари бўлса, буларнинг бош қисми кўз шаклидадир.

**с** сод ҳарфининг устига бир нуқта

қўйилиши билан **з** зод ҳосил қилинган. Бу ҳарфлар **с** ва **з** товушларини ифодалайди.

Сўз боши ва ўртасида келган ҳолатларда бу ҳарфларнинг домана қисми тушиб қолади, сўз ўртасида ҳарф олди-дан бир илгак чизик орттирилади.

Сод ва зод ҳарфларининг аввалги ҳарфлар элементлари билан боғланиши қуйидагича бўлади.

1. Сўз бошида

са сб сг

2. Сўз ўртасида

аса саб саг

3. Сўз охирида

ас саб саг

**т** то ва **ш** зо ҳарфларининг характери ҳам олдинги ҳарфларникига

ўхшаш. **т** то ҳарфини **итқи**, **ш** зо ни эса **изғи** деб ҳам атайдилар, улар **т** ва **з** товушларини ифодалайди.

Ясалиши жиҳатидан бир хил бўлган бу ҳарфлар бир-бирдан бир нуқта билан ажралиб, сўз таркибида ҳар икки томондан ҳам бошқа ҳарфларга боғланаверади. Ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиш учун бир илгак—чизик чиқарилади; ўзидан кейинги ҳарфга орқа илгаги бир оз чўзилиб қўшиб ёзилади.

То ва зо нинг бошқа ҳарфлар элементи билан боғланишини бизга таниш бўлган белгилар асосида кўрсатамиз:

1. Сўз бошида

та тб тг

та тб тг

2. Сўз ўртасида

ата таб таг

та тб тг

3. Сўз охирида

ата таб таг

та тб тг

Маъмура РАШИДОВА

# ЧИНОР



Чинор...

Мен шамолдек елдим йилларни писанд қилмай мағрур кўкрак кериб турган ям-яшил чинорни кўрганимда кўз ўнгимга ҳамиша улуг алломаларимиз келади.

Алломалар фанимиз чинорларидир...

Чинор эса боқийлик рамзи.

Бас, ҳақиқий алломалар хотираси, ҳаёти ҳам боқий. Зеро, уларга йиллар, асрлар ҳам писанд эмас... Улар ҳамиша халқ хизмати учун камарбаста.

Ана, қаршимда яна бир чинор... Унга боқарканман, ёдимга академик Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг азиз ва муаззам сиймоси тушди. Тушди-ю, юрак орзиқди, кўнгилда соғинч туйғулари мавж урди... Энди мунис хотиралар бир-бирига занжирдек уланар, хаёл эса узоқ-узоқларга олиб кетарди...

Сизлар, ёш дўстлар, фан деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг бўсағасида турибсизлар, илм асосларини чуқур ва пухта ўзлаштиряпсизлар. Лекин сизлар шу билан бирга улуг олимларимизнинг ҳаёт йўлини ҳам ўрганишингиз лозим. Шунинг учун мен бугун академик Сирожиддинов ҳақида билганларимни қисқача гапириб бермоқчиман.

С. Х. Сирожиддинов 1920 йилнинг 10 майида Қўқонда косиб оиласида туғилди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тенгдошлари орасида ўқишга, билимга чанқоқлиги, математикага лаёқати билан ажралиб турарди.

Дарвоқе, лаёқат ҳақида.

Ҳеч ким лаёқатсиз туғилмайди. Ҳар кимда нимагадир лаёқат бўлади. Ҳамма гап ўша лаёқатни ўстириш, ривожлантиришда. Бунинг учун кишида сабот, қунт ва меҳнатсеварлик керак. Яна... Хўп, бу ҳақда кейин. Еш Саъдида мана шу ҳислатларнинг бори жамулжам эди. Кейинчалик ундаги математикага лаёқат В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетида, сўнг шу университетнинг физика-математика факультетида камол топди.

Энди боя тўхтаб қолган гапимизни давом эттирайлик. Мен сизга айтсам, ёш дўстларим, истеъдоднинг қулф уриб яшнаши учун биргина сабот, меҳнатсеварликнинг ўзи камлик қилади. Ажабланысиз-а? Тўғри, сабот, меҳнатсеварликсиз киши ўз олдига қўйган мақсадга эришиши қийин. Аммо истеъдод булоғини очиш, уни тўғри йўлга солиш фақат устозларнинг қўлидан келади.

Саъди Сирожиддиновнинг устозлари ҳақида гап кетганда биринчи навбатда Всеволод Иванович Романовскийнинг номи тилга олина-

ди. Бу — бежиз эмас. У Тошкент математика мактабининг асосчиси, номи маълум ва машҳур бўлган бу аллома қўлида таълим олди. Тирришқоқлиги, изланувчанлиги билан Всеволод Ивановичнинг меҳрини қозонди.

С. Сирожиддинов университетни тугатгандан сўнг яна ўқишни давом эттиришни, билимини янада бойитишни орзу қиларди. Аммо университетни тугатган 1942 йилда, биласиз, мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши давом этарди. У ҳам орзуларининг ушалишини яхши кунларга қолдириб, фронтга юборишларини сўраб ҳарбий комиссариатга ариза берди. Сирожиддиновнинг шахсий делоси билан танишиб чиққан комиссариат уни фронтга эмас, Совет Армияси сафига хизматга юборди.

Ғалабадан сўнг В. И. Романовский уни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўзи раҳбарлик қилаётган математика институти аспирантурасига таклиф қилди, илмий ишига шахсан ўзи бош бўлди. Математиканинг эҳтимоллар назарияси оламига шу тариқа кириб келди...

С. Х. Сирожиддиновнинг яна бир устози бор — Андрей Николаевич Колмогоров. Саъди Ҳасановичнинг у билан танишиш тарихи ҳам қизик.

1949 йилда Тошкентда эҳтимоллик назарияси ва математик статистика бўйича Бутуниттифоқ математикларининг конференцияси ўтказилган бўлиб, унга иттифоқимиздаги йирик мутахассис олимлар таклиф қилинган, улар орасида СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, М. В. Ломоносов номи Москва Давлат университетининг профессори А. Н. Колмогоров ҳам бор эди. Конференцияда ёш олим С. Сирожиддинов ўзининг эҳтимоллик назарияси ва математик статистика соҳасидаги илмий доклади билан қатнашди. Олимнинг доклади академик Колмогоровни қизиқтириб қолди ва у Сирожиддиновни Москвага — докторантурага таклиф қилди. Сирожиддинов 1949—53 йиллар СССР Фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги Математика институтининг докторантурасида ўқиди. 1953 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаганидан кейин эса М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетига катта илмий ходим бўлиб ишлади. Орадан кўп вақт ўтмай уни Тошкентга, Ўрта Осиё Давлат университети профессорлигига таклиф қилишди.

У ўқиган лекцияларнинг қанчалик қизиқарли ва жонли эканлиги ҳақида ўша йилларнинг биринчи курс студенти ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети математика факультети, алгебра ва сонлар назарияси кафедрасининг мудир, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Жовад Ҳожиевич Ҳожиев шундай эслайди:

— Саъди Ҳасанович лекция ўқиганларида бераётган математик назариясининг қаерларда қўлланишлари га катта эътибор берар эдилар. Лекцияни жуда берилиб ўқир эдилар. қишми ёки ёзми эканидан қатъий назар лекция охирида яқтакларини сиққанда шаррос сув оқиш даражасига етар эди. Студентлар қанча кўп савол беришса у киши шунчалик хурсанд бўлар эдилар.

Мана, энди С. Х. Сирожиддиновнинг устозлик фаолиятига тўхталишга ҳам пайт келди. Унинг шогирдлари кўп. ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Т. А. Азларов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, физика-математика фанлари кандидати М. Мирзааҳмедов... Шулардан бири физика-математика фанлари доктори, В. И. Романовский номи Математика институтининг бўлим бошлиғи Шокиржон Фармонов ҳикоя қилади:

— Мен Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институти математика факультетида ўқиб юрар эдим. Бир йили Саъди Ҳасанович ҳозирги замон математикасининг истиқболлари ҳақида лекция ўқиб қолдилар. Жумладан, улар эҳтимоллик назарияси ва математик ста-

тистикани ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларига татбиқига, ҳам бу соҳадаги муаммоларга тўхталдилар. Мени ана шу муаммолар ва уни қандай қилиб ечиш мумкинлиги масалалари қизиқтириб қолди. Лекция сўнггида мен ўзимни қизиқтирган саволлар билан домлага мурожаат қилдим. Чамамда, саволларим домлани хурсанд қилди шекилли, улар ҳамма саволларга эринмай, биз тушунадиган қилиб жавоб бердилар ва охирида аудиториядан чиқиб кетмасдан кутиб туришимни буюрдилар. Сўнг мен билан математик анализнинг айрим темалари бўйича суҳбатлашиб кўрдилар ва охирида «Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика билан шуғулланишни хоҳлармидингиз?» — деб сўраб қолдилар. Мен нима дейишимни билолмай қолдим. Домла эса «Агар хоҳласангиз, мен сизни Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига таклиф қиламан. Иккаламиз ўша, сизни қизиқтирадиган масалалар билан шуғулланамиз. Сизнинг баҳонангизда мен ҳам анча нарса билиб оламан», деб гапларини ҳазил билан тугатдилар. Мен шундай қилиб Тошкент Давлат университетининг студенти бўлиб қолдим. Университетни тугатганимдан сўнг домла мени ўзларига аспирант қилиб олдилар, ундан сўнг уларнинг қўлида докторантурада ўқидим...

С. Х. Сирожиддинов бутун умри давомида республикамиз учун математик мутахассислар тайёрлаш учун жуда катта куч ва ғайрат сарфлади. Унинг ташаббуси билан 1962 йилдан бошлаб республика мактаб ўқувчиларининг математик олимпиадаси ўтказила бошланди. У математик талант мухлиси эди. Республика мактабларида учрайдиган талантли ўқувчиларни Москва, Ленинград, Новосибирск, ва Киев университетларига тавсия қилар, Тошкент Давлат университетига эса шахсан ўзи шуғулланар эди. У республика областлари педагогика институтларида учрайдиган математик талантларини ҳам университетга таклиф қилар ва уларни математика билан жиддий шуғулланишга ундарди. Уларнинг ташаббуси билан 1970 йили Тошкентда Республика мактаб ўқувчиларининг физика-математика интернати ташкил қилинди.

«Ёш куч» журналида ташкил қилинган «Ёш математикларнинг сиртқи олимпиадаси»нинг жонкуяр ташкилотчилари ва унинг жюри раиси, кейинчалик олимпиада «Аниқ фанлар академияси»га айлантирилгач, биринчи президенти ҳам С. Х. Сирожиддинов бўлди.

Саъди Ҳасанович илмий-педагогик фаолиятни катта ташкилотчилик ва жамоат ишлари билан қўшиб олиб борган олим эди. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ва Раиси қилиб сайланган, В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг ректори бўлиб ишлаган эди. Бернулли номидаги Халқаро математик статистика ва эҳтимоллик назарияси жамиятининг (Голландия)нинг ҳақиқий аъзоси эди. Сирожиддиновнинг ташаббуси билан шу жамиятнинг биринчи Халқаро конгресси 1986 йилнинг кузида Тошкентда ўтказилди.


С. Х. Сирожиддинов Беруний номидаги Республика давлат мукофотининг лауреати, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган. Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари билан, медаллар билан мукофотланган.

Мен йилларни писанд қилмай мағрур кўкрак кериб турган ям-яшил чинорни кўрганимда кўз ўнгимга ҳамиша улуг алломаларимиз келади.

Чинор боқийлик рамзи...

Академик Сирожиддиновнинг хотираси ҳам боқийдир...

Абдуманноқ АБДУРАҲМОНОВ,  
физика-математика фанлари кандидати,  
ТошДУ математика факультетининг  
кафедра мудир.



**«Ёш математикларнинг сиртқи олимпиада-си» якунланди.** Жюри аъзолари 700 дан зиёд жавоб хатлари ўрганиб чиқди ва ғолибларни аниқлади. Олтин турда тўла қатнашган ва саволларга тўғри жавоб топа олган ўқувчилар олимпиада ғолиблари деб топилди.

Энг яхши натижа кўрсатган етти нафар ўқувчи Олий ўқув юртига кириш учун тавсиянома билан мукофотланди. Олтин нафар ўқувчи 1989 йилда ўтказиладиган республика олимпиадасида конкурсиз қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолибларга «Ёш куч» журналининг Фахрий Ёрлиқлари ва эсдалик совғалари ҳам топширилди.

**Танишинг, ғолиблар!**

- Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан олий ўқув юртига тавсиянома билан мукофотланганлар:
1. Баҳром Ҳикматов, Хоразм область, Боғот районидаги 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
  2. Фарҳод Маъқулов, Наманган область, Учқўрғон шаҳар, Охунбобоев кўча 69 уй. 10-синф.
  3. Дилрабо Мустафоева, Қашқадарё область, Чироқчи шаҳридаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
  4. Собир Содиқов, Хоразм область, Боғот районидаги 30-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
  5. Музаффар Раҳмонов, Наманган область, Учқўрғон шаҳар, Охунбобоев кўчаси 50 уй.
  6. Анастасия Ивлева, Янгиобод шаҳар, Зелёная кўча 10 уй.
  7. О. Романов, ҚҚАССР Элликқалъа район,

Оржоникидзе номи мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

1988 йил Республика олимпиадасида конкурсиз қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар:

1. Шарофат Яхшимуродова, ҚҚАССР, Элликқалъа районидаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
2. Раҳмат Хайруллаев, Нукус шаҳридаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
3. Гўзал Йўлдошева, Хоразм область, Ҳазорасп районидаги 39-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
4. Сафаргул Саваева, Наманган область, Учқўрғон шаҳридаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
5. Раҳмат Раҳмонов, Хоразм область, Боғот районидаги 3-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. «Ёш куч» журнали фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган ўқувчилар:
1. Нурали Торбоев, Хоразм область, Ургенч районидаги Откормочний совхоз.
2. Мақсуд Эгамов, ҚҚАССР, Элликқалъа районидаги Ломоносов номи мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
3. Фулом Нормуродов, Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги 18-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
4. Шухрат Тошпўлатов, Андижон область, Ильичёвск шаҳридаги 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
5. Умар Ортиқов, Самарқанд область, Нарпай районидаги 7-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
6. Гулбаҳор Абдурахимова, Фарғона область, Кўккон шаҳар, Шерқадам кўчаси, 65 уй.
7. Одил Кодиров, Наманган область, Учқўрғон районидаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
8. Саид Калқулов, Нукус шаҳар, Географлар посёлкаси, Горький номидаги мактабнинг 6-синф ўқувчиси.
9. Елена Козлова, Тошкент область, Ангрен шаҳри, Жуковский кўчаси, 27 уй.
10. Гулнора Утанова, Фарғона шаҳридаги 82-мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси.
11. Зилола Холова, Тошкент область, Паркент шаҳридаги 7-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
12. М. Аҳмедова, Тошкент область, Паркент район, «Прогресс» совхоз, ПТУ талабаси.
13. Муяссар Мирзакаримова, Фарғона область, Олтиариқ районидаги 35-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
14. К. Муродов, Тошкент шаҳри, «Ёш физик ва математиклар мактаб интернати. 10-синф ўқувчиси.
15. Мусурмонов. А. Тошкент шаҳри, «Ёш физик ва математиклар» мактаб интернати. 10-синф ўқувчиси.
16. М. Хошимов, Тошкент шаҳри, «Ёш физик-

ва математиклар мактаб интернати. 8-синф ўқувчиси.

17. Э. Тошметова, Тошкент область, Пскент район, Охунбобоев номи колхоз, Бахт кўча 17 уй.
  18. М. Отахонов, Андижон область, Хўжаобод район, Майариц совхоз, Андижон кўча 33.
  19. М. Қосимова, Хоразм область, Янгибозор районидаги 24-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.
  20. Ғайрат Қозоқов, Хоразм область, Шовот район, «Ёш физик ва математиклар!» мактаб интернати. 9-синф ўқувчиси.
  21. Шерзод Тўраев, Бухоро область, Олот районидаги 22-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  22. Зулфия Ибодуллоева, ҚҚАССР, Элликқалъа районидаги Ломоносов номи мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  23. Юнусбой Файзуллаев, Хоразм область, Шовот районидаги 120-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  24. Музаффар Жумабоев, Хоразм область, Шовот районидаги 120-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  25. Сайёра Мўйдинова, Фарғона область, Киров районидаги 29-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  26. Шоҳиста Алиқулова, Самарқанд область, Нарпай районидаги 30-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  27. Маҳмуд Хошимхўжаев, Андижон область, Олтинкўл районидаги 21-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
  28. Саидхўмад Саидназаров, Хоразм область, Боғот районидаги 30-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.
  29. Моҳигул Эгамбердиева, Самарқанд область, Нарпай район, колхоз, 24-бригада 8-синф ўқувчиси.
  30. Ҳулкар Муллабоева, Тошкент шаҳридаги 59-мактаб 10-синф ўқувчиси.
  31. Киров номидаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчилари.
  32. А. М. Мамадалиев раҳбарлигидаги Наманган шаҳридаги «Ёш математиклар» тўғраги аъзолари.
- Ғолибларга «Ёш куч» журналининг эсдалик совғалари ҳам топширилади.



**ЁШ МАТЕМАТИКЛАРНИНГ СИРТҚИ ОЛИМПИДАСИ**

У I тур жавоблари

I. Ўғил боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари сони тенг. Унинг синглисида эса опа-сингиллари сони ака-укалари сонидан икки марта кам. Ака-укалар ва опа-сингиллар нечадан?

— Агар  $x$  — ака-укалар сони бўлса,  $y$  холда опа-сингиллар  $x-1$  га тенг бўлади. Масала шартига биноан  $x=2(x-2)$  га эга бўламиз, бундан  $x=4$  эканлиги келиб чиқади. Демак, ака-укалар 4 та, опа-сингиллар 3 та.

2. Агар  $a, b, c$  бирор учбурчак томонлари узунликлари бўлса, ҳар қандай ҳақиқий  $x$  да

$$b^2x^2 + (b^2c^2 - a^2)x + c^2 > 0$$

тенгсизлик тўғри бўлишини исботланг.  $f(x) = b^2x^2 + (b^2c^2 - a^2)x + c^2$  квадрат учқаднинг дискриминанти тодамиз.

$$D = (b^2c^2 - a^2)^2 - 4b^2c^2 = (b^2c^2 - a^2 + 2bc)(b^2c^2 - a^2 - 2bc) = ((b^2c^2 - a^2) - (b^2c^2 - a^2)) = (a+b+c)(b^2c^2 - a^2) + (a+b-c)(b^2c^2 - a^2)$$

Учбурчак икки томонининг йиғиндиси учинчисидан катталиги-га биноан:  $b+c > a, a+c > b, b+a > c$  бўлганлиги учун  $D < 0$  бўлади. Шундай қилиб  $D < 0$  ва  $b^2 > 0$   $x^2$ нинг коэффиценти/ бўлганлиги сабабли, ҳар қандай ҳақиқий  $x$  учун  $f(x) > 0$  эканлиги келиб чиқади.

3. Учбурчакнинг икки томони IO ва IБ га тенг. Улар орасидаги бурчанинг биссектрисасининг узунлиги I2 дан катта эмаслигини исботланг.

Масалани умумий ҳолда ечимиз. Өзгач қилайлик  $OB = a, AC = b, CD$  эса  $C$  бурчанинг биссектрисаси бўлсин. В учдан  $C, D$  га параллел тўғри чизик ўтказамиз. Бу тўғри чизик  $AC$  тўғри чизигини  $E$  нуктада кеседи.  $CEB$  учбурчаги тенг ёни, чуқки  $\angle CEB = \angle ACD = \angle DCB = \angle CBE$

Бу сабабли  $CE = CB = a$ .  $ACD$  ва  $AEB$  учбурчаклар ўхшашлигига биноан  $\frac{CD}{BE} = \frac{AC}{AE}$  га эга бўламиз, яъни

$$BE \cdot BC + CE = 2a$$

эканлиги равшан. Шунинг учун  $CD < \frac{2ab}{a+b}$

Биз қарётган ҳол учун  $CD < \frac{300}{25} = 12$  бўлади.

4.  $(a+1)^{2n+1} + a^{n+2}$  сонини  $a^2 + a + 1$  га бўлишини исботланг, бунда  $a$  бутун сон,  $n$  натурал сон.

$(a+1)^{2n+1} + a^{n+2} = (a+1)^{2n+1} + a^{n+2} - a^{2(2n+1)} + a^{2(2n+1)} = (a+1)^{2n+1} + a^{n+2} - a^{4n+2} + a^{4n+2}$

$- a^{2(2n+1)} + a^{n+2} = (a+1)^{2n+1} + a^{n+2} - (a^2)^{2n+1} + a^{n+2}$  сон

$2n+1$  ток сон бўлганлигидан  $(a+1)^{2n+1} + a^{n+2} - (a^2)^{2n+1}$  сон

$(a+1)^2 + a^2 = a^2 + a + 1$  га бўлинади.  $(a^2)^{2n+1}$  сон

эса  $a^2 - 1 = (a-1)(a^2 + a + 1)$  га, яъни  $a^2 + a + 1$  га бўлинади. Демак, берилган сон ҳам  $a^2 + a + 1$  га бўлинади.

$$5. \frac{1}{x} + \frac{1}{y} = \frac{1}{1987} \quad \text{тенгламени натурал сонларда ечинг.}$$

$x > 1987, y > 1987$  эканлиги равшан,  $y$  холда  $x = 1987 + m, y = 1987 + n$ , бунда  $m, n$  натурал сонлар

$$\frac{1}{1987+m} + \frac{1}{1987+n} = \frac{1}{1987}$$

бундан  $mn = 1987^2$ лиги келиб чиқади. Демак,  $a/m = 1, n = 1987^2, c/m = 1987, m = 1987, v/m = 1987^2, n = 1$

У холда  $a/x = 1988, y = 1987 \cdot 1988$   
 $b/x = 3974, y = 3974$   
 $v/x = 1987 \cdot 1988, y = 1988.$

Тузувчилар: Б.РИХСИЕВ,  
Т.ҚУРҒОНОВ,  
З.ҚУРҒОНОВ.

# АНИҚ САНЛАР

## АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА НИМА?

Математика барча фанларнинг бобокалони. Унинг фан бўлиб шаклланиши эраиздан олдинги IV—III асрларга бориб тақалади. Манбалардан математика дастлаб мисрда, Бобилда, Грецияда ривожланганлиги маълум.

Одамзоднинг биринчи авлодлари ташқи муҳитдан олган маълумотларини тасвирлаш ва таққослаш бўйича ажойиб ишлар қилганлар. Миқдорий жиҳатдан таққослашда санок системаси асосий роль ўйнаган бўлса, маълумотларни акслантиришда ҳар хил белгиларни қўллаш ҳам яхши самара берган. Умуман, бир тасаввур қилиб кўрилса, ҳар бир рақам ва белгини дунёга келиши, тасвирланишининг тарихи ниҳоятда буюк кашфиёт ҳисобланади.

XX асрнинг 40—50-йилларида электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) дунёга келди. ЭХМни турмуш масалаларига қўллаш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Натижада амалий математика фани ҳам мустақил шакл ола бошлади.

Ҳозирги кунда амалий математиканинг тармоқлари кўпайиб боряпти. Бу соҳаларда ажойиб янгиликлар, ривожланишлар бўлаяпти ва мазкур соҳалар бўйича таланти ёш мутахассислар тайёрланыпти. Эндиликда қуйидаги соҳалар амалий математиканинг ажралмас қисмлари бўлиб қолди: математика, физика; математик моделлаштириш; ҳисоблаш диагностикаси; сонли-тақрибий методлар; операцияларни татбиқ қилиш ва системали таҳлил; оптимал бошқарш ва бошқаришни оптималлаштириш; эҳтимоллар назарияси ва матема-

тик статистика; математик кибернетика; проблемага мўлжалланган системаларнинг математик ва программа таъминоти; ҳисоблаш системалари ва тармоқларнинг архитектураси; автоматлаштирилган лойиҳалаш ва бошқаришнинг математик таъминоти; ҳисоблаш машиналари ва системаларининг математик ва программа таъминоти.

Қаранг, амалий математика қанчалик серқирра соҳа бўлиб қолди.

Партия-ҳукуматимиз компьютерлаштиришга катта эътибор бермоқда. Компьютер деганда ҳар хил арифметик ва мантиқий амаллар ёрдамида инсон иштирокисиз иш бажарувчи қурилмани тушунамиз. Бошқача айтганда, компьютер — программа асосида ишлайдиган ЭХМдир. Ҳозирги кунда турли вазифаларга мўлжалланган, катта-кичик ҳар хил имкониятларга эга бўлган компьютерлар яратилган ва яратилмоқда.

Демак, компьютер техникасини яхши ўзлаштириш ва уни ҳўжалик масалаларини ечишда усталик билан ишлата билиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳўш, компьютерларни ишлата оладиган мутахассислар қаерда тайёрланади?

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети қошида ҳам 1972 йилдан бери Амалий математика ва механика факультети самарали ишлаб турибди. Факультет муаллимлари Москва, Киев, Новосибирск, Ленинград Давлат университетлари, бир қанча марказий илмий текшириш институтлари ҳамда Тошкентдаги илмий текшириш институтлари ва Олий ўқув юртлири олимлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Факультетда амалий математика мутахассислиги бўйича ўқиётган студентлар ЎзССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, Лебедев номидаги марказий Аниқ механика ва ҳисоб-



лаш техникаси институтининг Тошкент филиалида, шунингдек бошқа институт ва корхоналарда практикада бўладилар. Студентларга юқори савияда математика, ҳисоблаш техникасига оид билимлар берилади ҳамда бевосита турмуш, ҳўжалик масалаларини ЭХМ ёрдамида ечишни ўргатилади.

Ҳурматли ёшлар, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Амалий математика ва механика факультети сизларга мунтазир.

Маъруф ИКРОМОВ,  
ТошДУ доценти.

## 5 минутда еча оласизми?


7-сонда шу номли математик бошқотирма босилган эди. Қуйида унинг қандай ечилиши билан танишасиз.

Масаланинг ечимлари: Барча масалаларнинг ечимлари асосан чизғич ёрдамида параллел чизиқлар ёрдамида ечилади.


1. Бурчакнинг томонларига параллел чизиқлар ўтказамиз ва кесишган жойи билан бурчакнинг учидан ўтувчи чизиқ чизамиз. Бу бурчакнинг биссектриссаси бўлади. (1-расм.)




2. Чизғичнинг ён томонларини кесманинг учларидан ўтадиган қилиб жойлаштирамиз ва параллел чизиқ чизамиз. Кесмага параллел чизиқ ўтказасак параллел чизиқлар орасида янги кесма ҳосил бўлади. Бу изланган кесмадир. (2-расм.)




3. Чизғични ихтиёрий ҳолда қўйиб параллел чизиқ чизамиз ва шу жойининг ўзида чизғични салгина қийшиқроқ жойлаштириб яна параллел чизиқлар чизамиз. Параллел чизиқларнинг кесишиши натижасида ромб ҳосил бўлади. (4-расм.)




4. Берилган бурчакнинг томонларига параллел чизиқлар ўтказамиз. Янги чизиқлар кесишган жойда берилган бурчакка тенг бурчак ҳосил бўлади. (4-расм.)



5. Айлананинг турли томонидан томони айланага уриниб ўтувчи бурчак чизамиз. Бу бурчакларнинг биссектриссалари кесишган нўқта айлананинг маркази бўлади. Биссектриссани топиш учун олдинги масалага мурожаат қилинг. (5-расм.)



6. Бурчакни яшаш учун аввал ромб чизиб олинади. Ромбнинг диагоналлари ўтказилса  $90^\circ$  ли бурчак ҳосил бўлади. Бу бурчакнинг биссектриссаси ўтказилса  $45^\circ$  ли бурчак ҳосил бўлади. (6-расм.)




Тузувчи: Мамадали ЭРГАШЕВ,  
Андижон область, Избоскан район  
ҳалқ маорифи бўлимининг методисти.

Ярим аср муқаддам ўқилган лекцияларнинг иккинчисини давом эттирамиз. Бу қисм янада ибратли.

## Очмас

Очмасда қолган сипоҳ жуда турли-туман комбинациялар қилишга имкон яратади. Мисол учун қуйидаги ажабтовур позицияни кўриб чиқамиз.

Шлехтер — Тейхман  
Карлсбад, 1907 йил



Юриш қоралардан. Тейхман атиги битта юриш қилиши билан Шлехтер таслим бўлди. Мана ўша юриш: 1...d5! Энди 2. e4 бўлса, 2... Cf5 3. Лс1 d3; 2. cdан кейин эса 2... d3! 3. Кр:d3 cb5+ масалани ҳал қилади.

Вольф — Рубинштейн.



Юриш қоралардан. Бу позицияда Рубинштейн чиройли ўйин: 31... Лh5 32. h3 Кg4! қилиш имкониятини қўлдан чиқарди. Фh2X хавфи туғилди. h3 пиёдаси очмаслиги туфайли отни ололмайди. Борди-ю 2. fg бўлса, 2... Л:h3+ (энди g2 пиёдаси очмасда қолган) 3. Кpg1 Фh2+4. Кpf1 Фh1+ 5. Кpf2 Ф:g2X.

Худди шундай ҳодиса қуйидаги партияда ҳам рўй берган эди.

Боголюбов — Алехин  
Нью-Йорк, 1924 йил



Юриш қоралардан. Оқларнинг руҳи зарба остида турибди, лекин Алехин уни олмади. Сабаби, 28... Ф:g3 29. Ф:f7 ab 28. Лh7 вариантдан хавфсизраган бўлса керак. Алехин а3 пиёдаси очмас, яъни у тахтада йўқдек эканлигини сезмай қолган эди. Аслида эса, қораларда ажойиб имконият мавжуд: 28... Фе1+ 29. Кра2 Фb4! Энди 30. Лh8+Крd7 31. Л:a8 бўлса, 31... Фс4+ ва сўнгра 32... С:a8. Икки фили ортиқ қоралар ютади-да.

Ёш куч

Алехиндек зўр шахматчи ҳам бундай имкониятни қўлдан чиқарганлигига ортиқча таажжубланманг. Ҳамма вақт ҳамма нарсани кўра оладиган ўйинчи бўлмаган ва бўлмайди. Шахматнинг қизиқлиги ҳам сарҳадлари бепоён эканлигидадир. Адашмас а ҳеч ким ютқазмайди. Гап нисбийликни ошириш ёхуд камайтириш борасида тинмай ҳаракат қилишда!

## Учинчи лекция

Бу лекцияни Б. Блюменфельд 1934 йил 25 июлда ўқиган  
Эйтс — Алехин партиясида (Нью-Йорк, 1924 йил) оқларнинг 21.Сb3—e6 юришидан сўнг шундай вазият юзага келган.




Қоралар 21... С:g4! жавобини қилди. Оқлар нима қилсин? Агар филни фил билан урилса, 22... h5 дан кейин g4 даги фил кетади ва қоралар бир пиёда ортиб қолади. Борди-ю 22. Ф:g4 бўлса, 22... Ф:e3+ 23. Крh1 Ф:d2. Биз икки ҳол, яъни табиий ва маънавий очмасни кўриб турибмиз. 22. С:g4 да g4 даги фил табиий, яъни шахмат ўйини қондаларига биноан очмасда қолди, фарзин эса e3 пунктини қўриқлаши керак, шу боис у маънавий жиҳатдан боғланиб ўзига хос «очмас»да қолган.

Ўйин ўртасида тахтадаги ҳамма доналар маънавий боғлиқ ҳолда бўлади. Уларнинг ҳаммаси муайян пунктларга беркитилган бўлиб, ҳар бири маълум функцияларни бажаради.

Ҳозир очмас — боғлиқлик қандай барпо қилинишини кўрасиз. Сипоҳ очмасда қоладиган хонага олиб келинади.

Богатирчук — Савицкий  
Ленинград, 1933 йил

Қораларнинг 30... Кf6—d7 юришидан кейин қуйидаги позиция вужудга келган эди:



Оқлар фавқулодда типик комбинация бошлайди: 31. Л:e7 Л:e7 32. Кd5 (очмасдаги руҳга иккинчи бор хужум қилиб) 32... f6 33. К:e7+ Ф:e7+34. Фd5+Крh7 35. Ф:b7. Оқлар яхши позицияга эга ҳолда бир пиёдани ютиб олди. Бу усул ғоят кўп учрайди. Ҳа, руҳни очмас қилиш учун донани руҳ билан урадилар. Қурбон қилиб очмас барпо қилинади.



Клуб мутасаддис  
СССР спорт мастери  
М. МУҲИДДИНОВ

ОТ СУРИБ, ФИЛ ҲЙНАТИБ  
САРҒАЙГАН ДАФТАРДАГИ САБОКЛАР



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ёш куч  
Молодая  
смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадиий  
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 8 (26) АВГУСТ 1988.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриети.

Бош редактор  
Худойберди ТУХТАБОВЕВ  
Редколлегия  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Владимир ВОЛОТКО  
(бош редактор ўринбосари)  
Евгений ГРЕВЦОВ  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД  
Мирза КЕНЖАБОВЕВ  
Эркин МАЛИКОВ  
(масъул секретарь)  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Латиф МАҲМУДОВ  
Мирвосил ОДИЛОВ  
Ҳақимжон ПИРМУҲАМЕДОВ  
Йўлдошали ТОЖИБОВЕВ  
Александр ФАЙНБЕРГ  
Александр ФРОЛОВ  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ  
Техредактор Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена»  
8 август, 1988

© «Ёш гвардия» нашриети.

Босмахонага туширилди 10.06.88 й. Босишга рухсат этилди 8.07.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р—11853. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қоғоз ҳажми 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 187442. Буюртма № 3708. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

Модалар...Кимнинг кўнгли қайси  
либосни тусайди?..

А. КУДРЯШОВ фотоси.





—Бир бирига нималар дейпти экан, бу тўтилар?  
—“Тинч-тоғув яшашни биздан ўрганинглار!” дейишпти.

Т. СТЕПАНОВА ва А. КИРШИН фотоси.